

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ

Тарих йўналиши

13.39^A-гуруҳ битирувчиси Маматқулов Музаффар Одилжон
ўғлининг

**“Мустақиллик йилларида миллий маданий марказлар
фаолияти”**

мавзусидаги

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

А.Нишонов

Фарғона – 2017

Битирув малакавий иш кафедранинг 2017 йил 12 июндаги 9-йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири:

С.Мирсоатова

Такризчилар:

Илмий раҳбар:

А.Нишонов

ФВПКҚТМОИ

ўқув-услубий бўлим бошлиғи:

И.Тошпўлатов

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4-9
I.БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	10-32
1.1. Ўзбекистон аҳил яшаётган кўп миллатли давлат.....	10-14
1.2. Миллий маданий марказлар - миллатлараро тотувликни ривожлантириш омили.....	15-32
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРИ.....	33-52
2.1.Толерантлик тамойилини, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий маданий марказларни режа ва истиқболи дастурлари.....	33-39
2.2. Юрт тинчлигини таъминлашда миллатлараро тотувликнинг ўрни.....	40-52
ХУЛОСА.....	53-55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	56-59
ИЛОВАЛАР.....	60-66

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Кўп миллатли давлатлар ҳар доим ўз худудида истиқомат қилаётган турли халқ ва миллатларнинг ҳамжиҳатлигидан бевосита манфаатдор бўладилар. Зеро, бу кўп миллатли давлатнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Турли халқлар, миллатларни умумий, муштарак мақсадлар, ғояларгина бирлаштириши мумкин. Шунинг учун, бугунги кунда миллатлараро тотувликни жамият тараққиётини таъминловчи омил сифатида ўрганишга эҳтиёж катта. Бу эса миллатидан қатъи назар ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг мақсад ва манфаатларини ифода этадиган, ҳамжиҳатликка ундайдиган ғоя бўлиб намоён бўлувчи тамойилларни чуқур ўрганишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз”¹.

Республикамининг барча вилоятлари, туман, шаҳарларининг аҳолиси кўп миллатлидир. Ҳар бир ўзбекистонлик ўзаро ҳамжиҳатлик катта кучга эгалигини яхши билади. Демак, ана шу ҳамжиҳатликни тотувликни таъминловчи муҳим омил сифатида ўрганиш, хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш сўзсиз долзарб аҳамиятга эга. Шу билан бирга, миллий истиқлол ғояси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлидаги интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради. Лекин миллатлар ўртасида турли низоларни келтириб чиқаришга уринишларнинг тўхтамаётганлигини ҳам унутиб бўлмайди. Шу каби омилларни таҳлил этиш ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда миллий маданий марказлар ҳамда миллатлараро тотувлик муаммоси аввало тарих ва

¹ Каримов И.Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.: “Ўзбекистон”. 1999. 7-том. Б. 143-144.

миллий ғоя билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Ушбу муаммо миллатлараро муносабатларнинг бир жиҳати сифатида тадқиқ этилган.¹

Миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ масалалар, миллий маданиятлар ривожининг турли жиҳатлари, миллий тил, урф-одат ва анъаналар тараққиёти билан боғлиқ масалалар кўплаб олимларимиз асарларида тадқиқ этилган. Ғ.Нажимов, Қ.Хоназаров, Х.Шайхова, С.Шермухамедов, А.Юнусов, Э.Юсупов, У.Қорабоев каби олимларимизнинг илмий тадқиқотлари бунга мисол бўла олади.²

Миллатлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ривожига таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ масалалар эса С.Отамуродов, М.Нишонов каби олимларимиз асарларида таҳлил қилинган.³

Р.Абдулатипов, Ю.Бромлей, М.Джунусов, В.Тишков каби олимларнинг этноижтимоий бирликлар моҳияти таҳлиliga бағишланган тадқиқотлари ҳам мавзу доирасида кўтарилган масалаларни чуқурроқ англаб етишга хизмат қилади.⁴ Шунингдек, мавзу доирасида ўрганилаётган муаммоларни тадқиқ этишда А.Тойнби, Э.Тоффлер, Э.Фромм, С.Хантингтон каби ижтимоий-сиёсий фикрнинг йирик намояндалари асарлари катта аҳамиятга эга.⁵ Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ” номли асарида шундай дейди: “Қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу – табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат

¹Раҳмонов Д.Н. Миллий муносабатлар ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий бошқарилиши (Ҳозирги замон амалиётидан) - Т.: “Фан”, 1990; Бобожонова Д. Миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. -Т.: Университет, 1995; Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили. -Т.: ДИТАФ, 1999 ва б.

² Карабаев У.Х. Традиционное народное творчество: проблемы возрождения и развития. – Т.: “Фан”, 1991; Наджимов Г.Н. Народные традиции и культура. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992; Хоназаров Қ. Тил ва дил. -Т.: “Ўзбекистон”, 1991; Шермухамедова С. На языке единства. -Т.: “Ўзбекистон”, 1991; Юнусов А.М. Демократизация общества и взаимодействие национального и общечеловеческого в развитии духовных ценностей. Автореф. Дисс. докт. филос. наук. -Т.: 1995; Юсупов Э.Ю., Туленов Ж., Ғофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар. -Т.: “Фан”, 1990 ва бошқ.

³ Атамуродов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992; Нишанов М.Н. Обновление духовной жизни наций. -Т. “Фан”, 1991.

⁴ Абдулатипов Р.Г. Человек. Нация. Общество. -М.: Политиздат, 1991; Бромлей Ю. Очерки теории этноса. - М.: “Наука”, 1983; Джунусов М.С. Национализм в различных измерениях. -Алма-ата, 1990; Тишков В.А. О природе этнического конфликта // Свободная мысль. -1993.-№ 4 ва бошқ.

⁵ Карант: Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. Сборник.-М.: Рудольф, 2002; Фромм Э. Бегство от свободы. Человек для себя.-Мн.: Поппури, 1998; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис, 1994. №1; Toffler A. The Third Wave.-N.Y.: ва бошқ.

битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.”¹.

Мустақиллик йилларида юртимизда миллатлараро муносабатларнинг этник омиллари масаласига бағишланган бир қанча илмий изланишлар натижалари эълон қилинди². Аммо бу изланишлар натижаларидан олинadиган хулосалар миллатлараро муносабатларнинг этник омиллари масаласини илмий жиҳатдан тамомланган деган хулосага олиб келмайди.

Лекин, шунга қарамай миллатлараро тотувликни жамият тараққиёти муаммоси билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш соҳасида кам ишлар амалга оширилган. Ёки бу борада дастлабки тадқиқотларга қўл урилмоқда дейиш мумкин.

Бу соҳада ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш зарурлигини ҳисобга олсак, мазкур мавзунини ўрганиш Ўзбекистоннинг энг янги тарихи шаклланишида мамлакатимизда турли миллат вакиллари ўртасида миллий муносабатларни тарғиб қилиш, уларнинг ишонч ва эътиқодига айланишига доир тадқиқотлар ривожига хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Битирув малакавий ишининг даврий чегараси Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан то бугунги кунга қадар бўлган энг янги тарихни ўз ичига олади. Мустақиллик даврида вужудга келган миллий маданий марказлар ва уларнинг фаолияти ХХаср охири, ХХІ бошидаги тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

Битирув малакавий ишининг объекти қилиб мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат сифатида жаҳон сахнасида пайдо бўлиши ва ундан кейинги тараққиёт йўлида мамлакатда миллатлараро

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. Тошкент, “Маънавият”, 1998. Б. 64

² Қаранг: Жабборов И., Ўзбек халқи этнографияси, Т., 1994; Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти, Т., 2003; Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001; Дониёров А.Х. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар, Т., 2003; Дониёров А.Х. Мустақиллик Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари, Т., 2003; Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар., Т., 2004 ва ҳ.

муносабатларнинг ўзига хос шаклланишида миллий-маданий марказларнинг тарихий ва этник, маданий жараёнлардаги фаолияти олинди.

Битирув малакавий ишининг предмети қилиб эса мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларда ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашда миллий маданий марказлар фаолияти ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий омиллари белгиланди.

Битирув малакавий ишининг мақсади миллатлараро муносабатларнинг мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги миллий-маданий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида тарихий-илмий таҳлил этишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

-“миллат”, “миллийлик”, “миллатлараро муносабатлар”, “миллатлараро муносабатлар тизими”, “ҳамжиҳатлик”, “миллатлараро тотувлик” тушунчаларнинг маъно-мазмунини таҳлил этиш;

-“жамият тараққиёти” тушунчасининг мазмунини очиб бериш жараёнида миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ўрни, унинг миллий маданий марказлар мисолида ижтимоий тараққиётга таъсир этувчи омилларини аниқлаш;

- миллатлараро муносабатларнинг мустақиллик йилларида шаклланиш жараёнида давлат сиёсатининг аҳамиятини кўрсатиб бериш:

-миллатлараро ҳамжиҳатлик, аҳиликка эришишда миллий маданий марказлар йўллариини ўрганиш;

-миллатлараро ҳамжиҳатлик Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг муҳим шартларидан бири эканини таҳлиллар асосида тавсифлаб бериш;

-миллатлараро тотувликни кўп миллатли Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилувчи омил сифатида ёритиш;

миллатлараро тотувликни ҳаётга татбиқ этиш бўйича хулоса, амалий таклиф, тавсиялар ишлаб чиқишдек вазифалани ҳал этиш назарда тутилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишда тўпланган материаллар мавзу доирасида кўтарилган масалаларни ўрганишнинг кейинги босқичларида муайян назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти кўп миллатли мамлакатимизда турли миллатлар вакиллари томонидан миллатлар тотувликни тўғри тушунишга ва ўзаро муносабатларда унга тўғри амал қилишга ёрдам бериши билан ҳам белгиланади. Тадқиқотдаги материаллардан олий ўқув юрти талабалари, академик лицей ва касб ҳунар коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларга миллатлараро муносабат, бағрикенгликни тарғиб қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Узлуксиз таълим жараёнида айниқса юқори синф ўқувчиларини ижтимоий фаоллигини ошириб, фуқаролик жамиятини раванг этишига хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Жамиятни демократик тараққиёти масаласини миллатлараро тотувлик омили орқали ўрганилганлиги, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни таъминлаш жамият тараққиёти омили эканлигининг асослаб берилганлиги ишнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

-Тадқиқотда шунингдек миллатлараро тотувлик ғоясининг маъно-мазмуни тавсифланган;

-кўп миллатли давлатда миллатлараро тотувликнинг ижтимоий тараққиётда миллий маданий марказлар ўрни асосланган;

- миллий маданий марказлар миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир айрим назарий амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Битирув малакавий ишининг назарий ва методологик асоси. Муаммони ўрганишда тарихий-фалсафий тафаккур намояндалари ва замонавий илмий тадқиқотлардаги миллатлараро муносабатлар тўғрисидаги қарашлардан назарий асос сифатида фойдаланилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг миллатлараро муносабатлар ва миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликнинг негизлари, тарихий илдизлари, ҳақидаги концептуал ғоялари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси БМИ ёзишда назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, бетни ташкил этади.

I.БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

1.1. ЎЗБЕКИСТОН АҲИЛ ЯШАЁТГАН КўП МИЛЛАТЛИ ДАВЛАТ

Ўтмиш ва келажак ҳар бир миллат ва мамлакат тарихини намоён этадиган муҳим жараёндир. Бу маънавий-ижтимоий жараёнда одамларнинг феъл-атвори, маданияти, маънавиятидан далолат беради. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг шаклланиши мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг, ҳар бир миллат ва элатнинг қонун олдида ҳақиқий тенглигини таъминлаш билан бирга улар моддий, айниқса, миллий маънавий эҳтиёжларни тўла қондириш эркин меҳнат қилишлари, малумот олишлари учун кенг имкониятлар яратди. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ҳуқуқий асослаб берилган¹. Ушбу моддада “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг” эканлиги таъкидланган. Мазкур моддада мустаҳкамланган Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги тамойили инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган “Янги Европа учун Париж Хартияси” талабларига тўла мос келади². Мазкур тамойил мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бу имкониятлар Ўзбекистонда истиқомат қиладиган турли миллат ва элатларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кенг ва эркин иштирок этишини таъминлайди.

Юртимизда миллатлараро муносабатнинг шаклланиши ва ривожланишида 1992-йил 24-январда Вазирлар маҳкамаси қарори билан “Байналмилал Маданияти Маркази”нинг ташкил этилиши жуда катта

¹“Ўзбекистон республикаси конституцияси” Т.”Ўзбекистон” 2012. Б. 7.

² А.Очилдиев. “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар”. Т.”Ўзбекистон”. 2005. Б.43.

имкониятлар яратди¹. Республика байналмилал маданият маркази бугунги кунда мамлакатимиздаги бир юз қирқдан ортиқ барча миллий маданият марказларига ҳар томонлама амалий ёрдам бериб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч ва осойишта ягона оила фарзандларидек аҳил ва инок яшашларида маданий марказларнинг роли беқиёс. Бугунги кунда улар давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик жамият қуриш ва ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мустақиллик йилларида “Ўзбекистон-умумий уйимиз” мавзусида амалий тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиб келишмоқда. Яъни, улар ўз тили, маданияти ва санъати, халқ ҳунармандчилиги, урф-одатлари ва анъаналарини ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидламоқчимиз. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда анжуманлар ва давра суҳбатлари, турли фестиваллар, концерт дастурлари, танловлар, кўргазмалар, санъат арбоблари билан учрашувлар, миллий маданият кунлари ва декадалари, миллий анъанавий байрамлар ўз моҳиятига эга бўлган омиллардир. Зеро, фуқаролар ҳамжиҳатлиги, диний бағрикенглик, миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг уйғунлиги масалаларини илмий тадқиқ этиш Республика байналмилал маданият маркази фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада кейинги даврда мазкур муҳим мавзуларга бағишланган 20дан ортиқ тарихий-иҷтимоий, адабий китоблар нашр этилгани ижобий ҳол бўлиб, маданий марказлар фаолиятини самарасини оширишга хизмат қилмоқда. Мисол учун 2012 йил 19 январ куни Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишлаб нашр этилган “Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи” китобининг тақдироти олиб кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек “Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз энг юксак қадриятимиз жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик,

¹ Хонозаров Қ. “Мустақиллик ва миллий муносабатларининг ривожланиши”. Т. “ЎАЖБНТ”. 2001. Б.39.

миллатлараро дўстлик ва ҳамкорликдир”¹. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда, мамлакатимизда 136 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч ва аҳил яшаётган бугунги кунда миллатлараро ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ўзбекистоннинг ушбу ғоят муҳим йўналишда эришаётган ютуқлари жаҳонда кенг эътироф этилиб, бошқа мамлакатларга ибрат сифатида тавсия қилинмоқда, маҳаллий ва хорижий олим ҳамда тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Ҳар жабҳада юксак марраларни забт этаётган юртимизда мустақил тараққиёт йўлида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Инсонни қадрлаган жой унинг учун азиз ва муқаддас. Қрим давлат индустриал педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Файзи Ёқубов “Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳақида гапирганда Германия ва Америка техникага, Япония ва Швециянинг технологияга қўшган ҳиссаси тилга олинади. Агар бу рўйхатни давом эттириб эзгулик, тинчлик, яқинларга меҳр муҳаббат туйғуси борасида гапирадиган бўлсак албатта биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар бу бебаҳо инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва миллатларга баҳо бериладиган бўлсак, шубҳасиз, энг юқори баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди”,- деб такидлайди². Байналмилал маданият Маркази томонидан амалга оширилган ишларнинг яна бир йўналиши — бу 1994 йили бошланган биринчи «Халқ ижодиёти» фестивали бўлди³. Бу фестивал Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан ташкил этилди ва уни ҳар икки йилда бир марта ўтказишга қарор қилинди. Бу тадбирларда арман, озарбайжон, тожик, қозоқ, татар, немис ва

¹ Каримов И.А “Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли” Т; “Ўзбекистон” 1992. Б. 70

² www.hurriyat.uz

³ Ўзбекистон янги таризи.3-том.Т.;” Шарк”2000. Б. 241-242

корейс халқларининг профессионал ва бадий ҳаваскорлик тўғараклари санъаткорларининг чиқишларини халқ катта қизиқиш билан кутиб олди. Ҳар бир Маданият Марказининг фестивали чинакамига миллий байрамга, ўша миллатнинг том маънодаги порлоқ истиқболининг кафолатига, яшаб турган замин унинг учун бегона эмаслиги, аксинча, у мана шу юрт, мана шу тупрок тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилди.

Жамиятимиздаги тараққиёт миллат ва элатларнинг тотувлигига, ҳамкорлигига, бағрикенглик тамойили асосида ҳаёт кечиришига боғлиқдир. 25 йиллик мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтган мамлакатимизда миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг манфаатлари таъминланиб келмоқда. Юртимизда тинчлик, дўстлик ва халқпарварлик муҳитининг қарор топгани мамлакатимизда олиб борилган ислохотларнинг самарасини таъминлади. Бунинг натижасида Ўзбекистон кўп миллатли полиэтник давлат сифатида халқаро майдонда тан олинди. Зеро, байналмилал муҳитда яшаш, байналмилал қадриятларни қўллаб-қувватлаш аслида халқимизга хос жиҳат. “Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти” асарида Исо Жабборов қайд этишича, “ўлкамизда халқларнинг байналмилаллашуви 3-4 минг йиллар муқаддам бошланган ва бу жараён ижтимоий-тарихий омиллар, халқаро интеграция боис ҳеч қачон тугамаган. Шу тариқа ўзбеклар умуминсоний қадриятларга мойил, турли маданият ва дин вакиллари билан ҳамкорликда ҳамда ҳамжиҳатликда яшаш одатини шакллантирган миллатга айланган”.

Айни кунда юртимизда 130дан ортиқ миллат ва элатларнинг тинч-тотув ҳаёт кечириши фуқаролик жамияти барпо этилган давлатимизда инсонпарварлик тамойили устувор эканлигидан далолат беради.

Давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этган бош ғоя — бағрикенглик ғоясининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида, республикадаги барча миллат ва элатларнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг тили ва динини, қадрият ва анъаналарини ҳурмат қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, бу борада миллий маданият

марказлари ташкил этилди. Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ушбу марказларнинг доимий, тизимли равишда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватланиши боис, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларда барқарорликка эришилди. Ўз навбатида мазкур тузилмаларнинг нуфузли жамоат ташкилотларига айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўляпмиз. Бу эса шубҳасиз демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муваффақиятини белгилаб бермоқда. Глобаллашув шароитида миллий қадриятларни асраш ва келажак авлодга етказишда ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Маданий марказлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамият қуриш йўлида ўзларини амалий ва назарий ишлари билан яқинда ёрдам бермоқда. Ҳозирги кунда бизнинг Фарғона вилоятида 7та маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Булар: рус, татар, немис, корейс, қирғиз, тожик ва яҳудий. Миллатлараро муносабатларнинг шаклланишида ушбу маданий марказларнинг роли бениҳоят катта. Мисол учун Ўзбекистон немислари “Видергебурт” маданият маркази мисолида олсак, бу ерда Нина Айхвард бошчилигида марказда кўплаб имкониятларга эга бўлган немис тили,компютер курслари, немис миллий ошхонаси, рақс тўғрақларида кўплаб ёшлар иштирок этиб ўз билим ва тажрибаларини оширмоқдалар¹.

Таҳлилларимиз асосланиб шуни айтиш мумкинки,Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатларни тараққий этишга барча имкониятлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида яратилди.Юртимизда яшаётган 130 дан зиёд турли миллат вакиллари “Ўзбекистон умумий уйимиз” мавзусида анъанага айланган фестиваллар ўтказилиши фикримиз исботидир. Бугун юртимизда 140дан зиёд маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бораётгани миллатлараро муносабат шаклланишига ва тинчликни барқарор бўлишига ҳизмат қилмоқда.

1

1.2. Миллий маданий марказлар - миллатлараро тотувликни ривожлантириш омили

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади халқимизга ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Бу эса миллатидан қатъи назар ҳар бир фуқарода мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини англаб етишга ва унинг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилади. Бунда миллий-маданий марказларни ўз ўрни бор.

Миллий маданий марказлар Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган барча миллатлар, элатларнинг маданият, маънавият, миллий урф-одатлар ва анъаналар соҳасидаги ўзларига ижтимоий-ихтиёрий ташкилотлари эканликларини ўзларининг самарали ва серқирра фаолиятлари билан исботладилар. Юқоридан берилган кўрсатма асосида эмас, балки пастдан, миллий гуруҳлар оммаси томонидан кўрсатилган ташаббус асоси ишни ташкил этаётганликларини инобатга олиб, 1989 йил Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги қошида¹, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш мақсади Республика Миллатлараро Маданият Маркази ташкил қилинган эди. Миллий маданий марказлар сони ва фаолият турларини ўсиб бораётганини кўзда тутиб, 1992 йил 24 январида Республика миллатлараро маданий маркази Республика Миллатларо Байнаималал Маданий Марказга айлантирилди. Натижада ташкилотлар мустақил нодавлат муассасага айланди. Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаровий жамият талаблари даражасида миллий сиёсат юргизишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда мавжуд турли миллий-маданий марказларнинг миллатлараро тотувлик ғоясини ҳаётга жорий этишдаги ўрни катта. Масалан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Рус маданий маркази миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни амалга оширишда ҳамда миллий маданият,

¹ Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. -Т.: “ЎАЖБНТ” Маркази, 2001. Б.39.

тиллар, урф-одат ва анъаналарни ривожлантиришда фаол ишлар олиб бормоқда.¹ Хусусан, рус маданий маркази 1994 йилдан буён миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида фаол қатнашиб келмоқда. Мустақиллик кунини, Ўзбекистон Конституцияси, “Наврўз”, Янги йил, хотин-қизлар, ўқитувчилар ва мураббийлар, хотира ва кадрлаш кунларини биргаликда байрам қилишда, миллий марказ алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Бошқа миллий марказлар ҳам ўзларининг миллий урф-одат ва анъаналарининг миллий маданиятларини тиклаш ва ривожлантириш, унинг миллий ва муносабатларини бир-бири билан боғлаб олиб бормоқдалар.

Республика миллий-маданий марказлари кўплаб йўналишларида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Булар тарихий-этнографик, маданий-маърифий, мусикали, илмий-оммабоп, илмий, ахборот ва ижтимоий-хайрия билан боғлиқ тадбирларда аниқ кўринади. Турли маданий марказлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, маданий чиқишлар муҳим.

Туркистон халқлари, шу жумладан, ўзбек ва қозоқ халқлари ҳам ягона Ватан кўҳна Турон Туркистоннинг бошидан ўтказган сиёсий вазиятларидан қаътий назар, доимо ўзаро яқинлашув, бирлашув, оддий айтганда борди-келди, олди-берди тарафдорлари бўлганлар. Эл бошига кулфат тушган энг оғир даврларда ҳам улар бир-бирларини тарк этмай, ўзаро елкадош бўлиб турганлар. Шу маънода, марказ раҳбари Абу Наср Форобийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ-фазилатли халқдир. Шу йўсинда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади”.²

Хозир Тошкент, Олмалик, Ангрен, Охангарон, Бекобод, Навоий, Зарафшон, Янгийўл, Чирчик, Фарғона каби шаҳарларни Ўзбекистонда украинлар яшайдиган шаҳарлар сифатида алоҳида қайд этиш мумкин. Дастлабки украин маданий марказлари уларнинг жам бўлиб яшашидан келиб

¹ Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. -Т.: Университет, 1996. Б.119.

² Холбоев.Т. Дўстликда гап кўп. Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. -Т.: Университет, 1996. Б.138.

чиқиб пайдо бўлган. Республика украин маданий маркази 2001 йил августда тузилган. Марказ аввал ташкил этилган украин маданий марказларини бирлаштирди. Тошкентда 1994 йилда ташкил этилган «Батькивчина» маркази илк украин маркази бўлганди. Украин диаспорасининг янги тарихига айна ўшанда асос солинганди. «Батькивчина» ва «Славутич» Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, «Ўзбекистон-Украина» дўстлик жамияти, Киевдаги украинларнинг Жаҳон мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Канададаги украинлар Жаҳон Конгресси билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Украин маданий марказларининг фаолияти жуда ранг-баранг. Масалан, Янгийўлда украин тилида «Надя» газетаси чоп этилади. Тошкентда украин якшанба мактаби ишлаб турибди. Бу ерда ҳар йили Шевченко кунларини, бадий жамоаларнинг «Украинский спив» фестивалини, украин рассомлари кўргазмаларини ўтказиш яхши анъанага айланган. “Бугун мустақил Ўзбекистонда,-деб ёзади. Украин маданий маркази раҳбари,-300 мингдан зиёд украинлар яшайди, улар учун бу кўёшли, саҳоватли ва тинч ўлка иккинчи Ватан бўлиб қолди. Ҳар биримиз дўстликни мустаҳкамлашда, халқлар ўртасида ўзаро ҳамжихатлик ва умумий уйимиз бўлган Ўзбекистоннинг гуллаб яшнаши ва порлоқ, келажаги учун ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қиламиз”¹.

Шунингдек, бугун мустақил Ўзбекистонда 220 мингдан ортиқ корейслар яшайди. Улар учун саҳоватли ва тинч ўлка иккинчи Ватан бўлиб қолди.²

Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) ва миллий-маданий марказлар фаолияти айнан ана шу мақсадга қаратилиши талаб этилади. Бунда айниқса оммавий ахборот воситаларининг ўрни салмоқли. Жумладан, Ўзбекистон телевидениесининг барча каналлари, хусусан “Ахборот”, ”Давр”, ”Ассалом, Ўзбекистон”, ”Пойтахт”, дастурлари орқали ҳамда “Биринчи” телеканалнинг “Ўзбекистон-умумий уйимиз”, ”Ягона

¹ Мансуров-Ковригенко С., Ковбас М. “Украинско-узбекские истоки дружбы” -Т.: 2001.

² Ким И, Юсупова С. Корейская диаспора в Узбекистане. Ўзбекистон миллатлараро ҳамжихатлик йўлида. - Т.: Университет, 1996. 155-бет.

байроқ остида”, ”Ягона оилада”, уйғур тилида олиб бориладиган “Умид”, козок тилида “Жетеген” ва “Дийдар”, қирғиз тилидаги “Айчурек”, тожик тилидаги “Мехрангез” ва “Рангинкамон”, татар тилидаги “Бизнен мерас” украин тилидаги “В доброй хате”, корейс тилидаги “Чинсен” кўрсатувлари ёрдамида телетомашабинларга миллий-маданий марказлар фаолияти ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик ҳақида батафсил ахборотлар бериб борилиши зарур. Бу ишларни янада такомиллаштириш талаб этилади.

РБММ Ўзбекистон радиоси ҳамда катор етакчи газета ва журналлар билан ҳам яқиндан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Хусусан, “Халқ сўзи”, “Правда Востока”, “Тошкент окшоми”, “Ташкентская Правда” газеталарида “Миллий маданий марказларда” рукни остида уларнинг фаолияти мунтазам равишда кенг ёритиб борилмоқда. Булардан ташқари 2000 йилда “Республика байналмилал маданият маркази” номли махсус қўлланма чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази томонидан 1999 йилнинг январь ойидан эътиборан “Миллатлараро ҳамжихатлик-барқарорлик омили” мавзуида амалий семинар машғулотлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида орттирилган тажриба ва билдирилган таклиф ва мулоҳазаларга биноан семинар эндиликда “Ҳамжихатлик ва бағрикенглик-барқарорлик омили” мавзуида давом эттирилмоқда ва барча машғулотлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмита ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг”¹,-деган фикрлари мазкур битирув малакавий ишнинг бош ғояси бўлиб ҳисобланади.

Ҳар йиллик семинар дастурлари рисола тарзда, ўтказилган машғулотлар материаллари эса тўплам тарзида чоп этилиши йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли давлат сифатида миллатлараро тотувлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни миллий истиқлол ғояларига таянган ҳолда амалга оширмоқда. Бу жараёнда миллий манфаатлар ҳисобга олинмоқда, уларни қондириш учун барча шарт шaroитлар яратиб берилмоқда. Бунда миллий истиқлол ғоясининг умуминсоний мазмуни алоҳида аҳамиятга эга. Бу ғоя орқали турли миллатлар умуммақсад йўлида бирлашиб, ўзларининг салоҳиятларини Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини қуриш мақсадларини амалга оширишга сафарбар этмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг Республикамизнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва маданий маърифий ҳаётида фаол иштирок этиши учун етарлича шароит яратилган. Мустақиллик юртимизда миллий муносабатлар соҳасида олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Адолатли жамиятда яшамоқчи эканмиз, бошқа халқ вакилларининг манфатларини ҳам ҳимоя этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур”¹. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йили Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу марказ Ўзбекистонда фаолият олиб борилаётган 140дан ортиқ миллий маданий марказларни бирлаштириб, биргаликда иш олиб бормоқда.

Миллий маданий марказлар ўтмиш совет тузимидан қолган унсурларни секин аста йўқ қилиб, ўрнига миллат ва элатларни урф-одатлари, ананаларини тиклашга ёрдамлашмоқда.

¹ Ислом Каримов. Ватан ва халқ мангу қолади. Т: Ўзб.кутубхона нашри. 2010.Б-33-34

Мисол учун Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан 1994 йили ўз фаолиятини бошлаган "Халқ ижодиёти" фестивалининг олиш мумкин. Бу фестивални очилиш маросимида шахсан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов иштирок этди ҳамда журналистларни саволларига жавоб бериб қуйидаги фикрларга диққатини қаратди.

"Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма-ён яшаб келгани, бу эса бағрикенглик тинчликпарварлик, саховат ва меҳр-оқибатлилик фазилатлари билан, ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитетини шаклланишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз"¹.

Бу фестивал ҳар икки йилда ўтказиб туриладиган анъанавий байрамга айланди. Ана шу тадбирларда арман, озарбайжон, тожик, козоқ, татар, немис ва корейс маданий марказларидан профессионал ҳамда бадий ҳаваскорлик санъаткорларининг чиқишларни халқимиз хурсандчилик билан маъқулагани бежиз эмас. Чунки, ҳар бир маданият марказларини сахна композициялари намоиш этиши ўша миллатни том маънодаги порлоқ истикболини, яшаб турган замин унинг учун бегона эмаслигини, аксинча шу юрт-мана шу тупроқ, Ватан тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бу фестивални якунловчи қисми мустақиллик байрами арафасида, (20-август) халқлар дўстлиги саройида ҳамда байрам куни мустақиллик майдонида ўтказилганлиги тарихий ҳодисадир.

Яъни Ўзбекистонда яшайдиган қардош халқлар ижодкорлари билан учрашувлар уларнинг ижодига бағишланган кечалар уюштириш ҳам миллий маданий марказининг одат тусига кириб қолган амалий тадбирлардан биридир. Кейинги йилларда миллий маданий марказининг кўмагида Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари ўтказилиши, бу икки халқни янада

¹ Ислон Каримов. . Ватан ва халқ мангу қолади. Т: Ўзбекистон кутубхона нашри. 2010.Б.43-44.

яқинлаштирмоқда ва қариндошлик алоқаларини равақ топишига катта ҳисса қўшапти. Зеро, Ислон Каримов таъкидлаганларидек “Қозоқ халқи билан дўстлигимиз қуёши минг йиллар қаридан нур сочди”.

Рус маданият маркази Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда буюк рус шоири С.Я.Есенинни туғилган кунини 100 йиллиги ҳамда А.Пушкин таваллудини 200 йиллигига бағишланган кечалар уюштирилганлиги толерантликни такомиллашуви воситадир. Байналмилал маданият марказида А.С.Пушкин ҳаётига бағишлаб ташкил қилинган кўргазмада ўзбек халқини буюк рус шоирига бўлган ҳурмати нақадар чексиз эканлигини ёрқин намойишидир. Бу тадбирда ўзбек халқининг нечоғлик буюк ва меҳмондўстлиги тараннум этилди.¹

Қозоқ миллий маданий маркази томонидан қозоқларнинг буюк шоири Абай таваллудининг 150 йиллигини, миллий истиқлол учун курашган Турор Рисқулов, Султонбек Хўжановлар 100 йиллиги қирғиз миллий маданий маркази ёрдамида қирғизларнинг миллий фаҳри ва жаҳон халқ оғзаки ижодининг энг йирик асарлардан бири "Манас" эпосининг 1000 йиллиги², татар миллий маданият маркази татарларни миллий ҳосил байрами, "Сабантой" миллий маданиятларининг ўзаро дўстлик байрамига айланди³. Татарларнинг бу байрами Олтин Ўрда хонлигида яшаб ҳаёт кечирган татар деҳқонларини, яъни "Сабончи" ларни байрами эди.⁴ Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган татар миллий маданий маркази 2008-2011 йиллари июнь ойида бу байрамни нишонлаганларида вилоятнинг барча маданий марказлари иштирок этди. Бу байрам ўзбекларнинг "Меҳрихон" байрамига ўхшаб кетади. Булардан шу хулосага келишимиз мумкинки, бу айём 14 асрдан ошиқроқ тарихга эга бўлиб, ҳозиргача татарлар бу байрамни нишонлаб келишади.⁵

¹ Халқ сўзи// Иванов А.Куч қудратимиз аҳиллик ва ҳамжихатликда. 2007, 23 январь

² Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.ю; "Шарқ", 2000, Б. 275.

³ Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.ю; "Шарқ", 2000, Б. 275.

⁴ Татар миллий маданий марказ архивидан. 2008. № 47

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Қомус бош таҳририяи. Т.; 1997.

Бу саналар ўз навбатида ўзбекларнинг ҳам катта байрамларига айланиб улгурди. Булар юзасидан миллий маданий марказлар вилоят ҳокимлиги, Фанлар академияси бошчилигида бир қатор олий ўқув юртларида, режали илмий амалий конференция ва семинарлар ўтказдилар.

Ўзбекистон, Украина, Арманистон миллий маданий марказларининг иштироки билан ўтказилган учрашувда арман зиёлиларини Ўзбекистонда яшаётган ёш арман болаларига Арманистон ҳамда арман халқининг тарихини ва маданиятини ўқитиш ва ўргатиш мақсадида ташкил этилган якшанба мактабларини бориб кўришди.¹

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллий гуруҳлар ўз салоҳиятини ҳамда миллий анъана, урф - одатлари ва миллий маданият хазиналарини кенг намойиш этиш имкониятларига эга бўлди. Шунингдек, ўзаро йиғинларни мажлислар, расмий учрашувлар ҳамда илмий амалий маданий конференцияларни ўз хоҳишлари ва ўзларига қулай деб ҳисоблаган тилда ўтказишади. Миллий маданий марказлар ичида илк ташкил топгани Корейс миллий-маданий маркази бўлса, катта имкониятларга эга бўлгани бу Рус миллий маданий марказидир. Бу марказнинг фаолияти эътиборга лойиқдир. Масалан бу марказ атоқли рус шоирларини юбилейларини ўтказади ва бу кечаларда "Ўзбекистон - умумий уйимиз" мавзуида давра суҳбати мунтазам ташкил этилади.²

Белорус маданий маркази рус ва украин маданий марказлари билан ҳамкорликда словян ёзуви байрамини ўтказишди ҳамда бу кечада "Такдиримиз - ягона" шиори остида кичик давра суҳбати бўлиб ўтди.

Православ диний байрамлари, халқ ашулалари, миллий байрамлари шарқий словян миллатининг Ўзбекистондаги маданий маънавий ҳаётида словянларга янги маъно мазмун ҳамда йўналиш берди.³

¹ Туленов Ж, Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. Т.; "Ўзбекистон" 1999. Б.15.

² Ўзбекистонни янги тарихи. 3 том. Т.; "Шарк". 2000. Б.301

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.; "Ўзбекистон". 1997. Б. 280.

Корейс миллий маданий маркази фаолияти ўзининг серкирралиги билан ажралиб туради. Маълумки Корейсларнинг Ўзбекистондаги умумий сони икки юз минг атрофида (1999 йил аҳоли рўйхати маълумотларига кўра) Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Корея Республикаси билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Шулардан бири Андижон вилояти Асака шаҳридаги "ДЭУ" автомобил заводи ҳамда Фарғона шаҳридаги "Кобул Туйтепа Текстил" заводлари ва бошқа кичикроқ ташкилотларни айтишимиз мумкин. Тарихга назар ташласак миллатаро дўстлик ришталари ватан учун тахликали бўлган йилларда ўзининг асл моҳиятини кўрсатган. Корейс халқининг собиқ иттифоқ халқлари, жумладан ўзбек халқи билан бир тан ва бир жон бўлиб меҳнат қилгани тарихдан маълум. 1989 йил 30 июн Фарғона вилояти корейс жамоатчилигининг конференциясида, Корейс миллий марказини тузиш ҳақидаги таклифи киритилди ва ташкил этилди. Бу Ўзбекистондаги биринчи миллий марказ бўлди. Бу ғоянинг ташаббускори Рев Мир Ляндир. Натижада йўқолиб бораётган миллий тил, маданият, урф одатларини тиклаш йўлида дастлабки қадам қўйилди.

Марказ Республикадаги Корейсларни миллий анъаналарини тиклашда, ҳамда халқ ўртасидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда ёрдам бериш йўлида фаолият олиб бормоқда. 1994 йил 5 июньда Корея Президенти Ким Ен Саминнинг Ўзбекистонга тааширфи корейс ва ўзбек халқи ўртасидаги муносабатларини ривожаланишида муҳим воқеа бўлди унинг Ўзбекистонга қилган таширфи чоғида И.А.Каримов мамлакатимизда корейс халқини келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишдаги ҳиссасини юқори баҳолади. Фарғонада Корейс миллий маданий марказини тузиш ва фаолият олиб бориши учун қарори ҳамда низом ишлаб чиқилган.

Корейс миллий маданий марказининг низоми шундан иборат:

-корейсларни муаммосини ўрганиш ва ўз вақтида ҳал қилишда маҳаллий ҳокимиятга ёрдам бериш,

-миллий маданият ва она тилини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида. Корейс аҳолиси ўртасида маданий, маърифий ишларни олиб бориш,

-Фарғонада яшовчи корейс миллатига мансуб фуқароларни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этиш.

-ёш авлодни, ғоявий, мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш ва бошқа масалалар берилган.

-миллий ва умум давлат маданиятларининг мувофиқлаштириши мақсадида миллий муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Корейслар ҳаётидаги ёрқин воқеа 1990 йил 18-19 майда Москвада бўлиб ўтган биринчи умумиттифоқ Корейслар съезди бўлди. Бу йиғилишда мамлакатнинг барча маданий марказлардан делегациялар келишган эди. Шу билан бирга Шимолий ва Жанубий Кореядан ҳам вакиллар келган бўлиб, бизнинг юртдан ҳам беш вакил борган эди. Бу конференцияда корейсларнинг муаммолари, ўқувчиларга корейс тилидаги қўлланмалар чиқариш ва бошқа масалалар кўриб чиқилган Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзбеклар қаторида корейс миллатига мансуб қатағон қурбонларининг номлари ҳам оқланди. Корейс маданий марказининг асосий мақсади: она тилини юртдан йироқдагиларга ўргатиш ва қадимий маданиятини тиклаш, урф-одатларини ўргатишдан иборатдир. Шулар асосида Корейс миллий маданий марказларининг Ўзбекистон ассоциацияси тузилиб ўз фаолиятини олиб бормокда. Ассоциациясининг ҳаракати билан фото кўргазма ташкил этилди ва "Корея - Ўзбекистонда", "Корейслар Ўзбекистонда" мавзуга бағишланган китоблар, рисоалар, мақолалар, тўпламлар, Корея билан боглиқ турли юбилейлар, ёзувчилар, сиёсий арбоблар, маданият намоёндалари билан учрашувлар ҳамда мақолалар чоп этилмокда.

Ассоциациянинг ҳомийлигида Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва вилоятлардаги мактаб, лицей, гимназияларда тил ўрганиш курслари очилган. Мисол учун Фарғона шаҳридаги "Парвоз" лицейида ва Қирғули

туманидаги мактабларда тил ўрганиш курслари очилган. Натижада ўқувчи ёшларни 2 мамлакат тарихига қизиқиш кучайиб Корея-Ўзбекистон алоқаларининг ривожланишига самарали таъсир қилмоқда. Ўқиш ва ишга борадиганларни интилишлари ортиб бормоқда.

Фарғона шаҳрида 1993 йил январида Корейслар ўзларининг этнографик музейини очган бўлиб, у ерда миллий урф - одатларидан намуналар, анъаналари ва миллий кийимларини қандай тикилиши ҳақида тўлиқ маълумотлар жамланган. Бу музейни очилишида Ревмир Лян билан бирга педагогика фанлар номзоди профессор ушбу китоб муаллифи Турғуной Эгамбердиева ҳам фаол қатнашди. Бу ҳам бўлса уларга бўлган ҳурматдан бир нишона. Ким Римма Васиリエвга бу музей учун Жанубий ва Шимолий Кореядан экспонатлар тўплаб олиб келган. Вилоят Ўлкашунослик музейида корейс халқининг турмуш тарзи бой тарихий мероси юртимизда фидокорона меҳнати натижасида обрў қозонган. Корейслар тўғрисида маълумотлар кўрсатилган. Корейс миллий маданий маркази кўмагида Ўзбекистон Корея ўртасида яхши ҳамкорликлар ўрнатилган бўлиб, у иқтисодий-ижтимоий маънавий маданий соҳаларда ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган кўплаб мамлакатларни миллий маданий марказлари халқаро муносабатларнинг таркибий қисми сифатида турли халқлар ва миллатларни ўзаро иқтисодий ва маданий яқинлашуви ва ривожланишида муносиб ўрин эгаллайди. Бунга мисол мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ташкил топган немис халқининг миллий маданий меросини келтиришимиз мумкин. 2010 йилда немисларнинг Фарғона маданий меросининг тузилганига 20 йил тўлди, шу муносабати билан 22-24 апрел кунлари Фарғонада немисларнинг миллий маданий маркази илмий анъанавий конференция ўтказди. Унда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Андижонда истиқомат қилувчи немис миллати вакиллари ўзларининг марузалари билан иштирок этди. Фарғона миллий маданий маркази “Тикланиш” деб номланиб, унинг вазифаси Ўзбекистондаги немисларни қўллаб-қувватлаш, немис тили ва маданиятини

тарғиб қилиш тарихий меросини сақлаш, асраб авайлаш маданий-тарбиявий, бадий ижодий ишлар олиб боришдан иборат. Айниқса бу маданий марказ Фарғонада яшаб илм-фан маданият соҳаларида буюк тадқиқотлари амалга оширган олимларининг илмий-амалий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишлари катта этибор беради. Тарих, география, ирригация, ботаника, биология ва бошқа фанлар тараққиётимизга буюк ҳисса қўшган В.Бортолд, А.Медендоров, Т. Ортиндороф, Р. Шредер каби немис олимларининг юртимизда шунингдек Фарғона ҳудудида илм-фан ва миллий маданиятни ривожигаги ўрни бўлган. Немислар Туркистон ўлкасида жумладан Фарғона водийсида XVII- XVIII асрладаёқ пайдо бўлган (Петербург Академияси орқали) бўлган ва юқори давлат лавозимларида ишлаган, илм фан, маориф, маданият соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган. Ҳозирги кунда немис миллий маданият маркази-Видергебук ўлкадаги немис аҳолисини маҳаллий аҳоли билан ўзаро дўстлик ҳамжиҳатликка мосланган ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш йўлида самарали ижобий ишларни амалга ошириб борапти. Ўзбекистон Республикасидаги бу маданият марказлари, ўзбек халқини ҳамда бошқа миллатларни миллий ўзлигини англашга ва маънавий қайта тикланишнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгиланиши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлашуви демократик жараёнларнинг чуқурлашувининг муҳим йўналиши бўлиб қолди. Бу эса Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига шарт-шароит яратиб беради.¹ Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг бу фикри Республикамизда фаолият олиб бораётган миллий маданий марказларига бўлган ишончни билдиради. Ахир бу марказлар туфайли кўп миллатли Ўзбекистон давлати дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олди. Халқаро ташкилотлар эса давлатимизнинг мустақиллигини ва миллатимиз халқига ҳурматини билдиришди, дипломатик алоқалар ўрнатилди ва

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.; "Ўзбекистон", 1997 йил — Б. 172.

ривожланиш сари олға қадам босди, бу кўп миллатли диёримиз нақадар тинч аҳил-иноқ яшаётганини билдиради¹. Шунингдек энг муҳим миллий маданий марказлар Ўзбекистонда миллатларни ҳар томонлама яқинлашувига миллатлар тараққиёти ва гуллаб яшнашига асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Республика байналмилал меросининг директори Нуриддин Мухсимазимовнинг ёзишича бугунги кунда миллатлар ва халқларнинг (130 та) ўзига хос маданияти, урф одатлари ва анъаналарини асраб авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган миллий маданий марказларнинг сони Ўзбекистонда 150 тага етган. Улар нуфузи жиҳатидан юқори жамоат марказларига, таълим- тарбия масканларига айланган, маданий маърифий-маориф, маънавий тарбиявий, ижтимоий тадбирларни амалга ошириб мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, тинчлик, меҳр-оқибат ўзаро бирдамлик муносабатларини салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Миллатларнинг истиқболини уларнинг ўзаро яқинлашувисиз уларга истиқбол ваъда қилиш қийин. Чунки, бу жараён ижтимоий ҳаётни барча томонларини қамраб олган миллатлар онгини ўз-ўзини англашини миллий ўзлиги ва миллий ифтихорини ўсиши, маънавиятни юксалтириши миллий мафкурасини шаклланиши ҳамда ривожланиши учун асос яратади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов диққатимизни масаланинг туб моҳиятига қаратади, “Минтақада унга кирадиган айрим давлатларда ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинишини истаймиз”². Миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва минтақавий хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятларни олдини олиш учун қўйдаги тамойилларга амал қилмоғимиз керак:

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.; "Ўзбекистон", 1999. Б. 92

² И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.; "Ўзбекистон", 1997 йил — Б. 78.

-давлатнинг этник сиёсати ҳуқуқларининг ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳам камситилмаслиги шарт;

-давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда хал қиладиган усулларга асосланиши лозим;

-жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти Республикамизда яшаётган барча миллатларнинг манфаатларига мос бўлмоғи керак¹.

Миллатлараро ҳамдўстлик, тинчлик тотувлик мустақиллик туфайли қўлга киритилган энг катта ютуғимиздир.

Ушбу фикрни Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов ғоят теран ва мазмунли баён қилиб берган. Унда, Қорақалпоғистон давлатимиз жамиятимиз ҳаётида ҳудудларимиз ўртасида бошқалар билан солиштириб бўлмайдиган алоҳида ўрин ва ҳуқуқга эга. Биз бу ҳуқуқни асло унутмаймиз ва бу борадаги ишларни жой-жойига қўйишимиз даркор. Чунки Қорақалпоғистон Республикаси кўп миллатли Ўзбекистон давлати ва жамиятида ўзига хос ўринга молик.

Бизнинг миллий муносабатларимиз жуда яқин бўлганида қорақалпоқ халқи ўзининг қадимий тарихи урф одатлари анъаналари, тили ва маданиятига мос жиҳатлар билан ажралиб туради, дейилади ².

Президентимиз олдида қўйган вазифани амалга оширишда Қорақалпоғистон ва республика маданий марказининг роли катта. Тошкентда Қорақалпоқ миллий маданий маркази ҳамкорлигида Қорақалпоғистон маданият кунларини ўтказилиши ўзбек халқининг шу миллатга бўлган чуқур ҳурмати ифодасидир.

Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси ҳузурида қозоқ адабиёти кенгаши, Жиззах вилоятида "Коктели" қозоқ театрини ташкил этилганлиги ҳамда

¹ Туленов Ж. Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. Т.: "Ўзбекистон", 1999.Б. 18,19.

² Ислон Каримов. Озод обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт проварт мақсадимиз. Т:Ўзбекистон 2000 Б. 102-103.

қозоқ тилида "Нурли жўл" Республика газетаси нашр этилиши¹икки миллат маданиятининг яқинлашуви ва ўзаро байрамга ҳизмат қилди.

Халқимизнинг яна бир ижобий хусусияти бошқа миллат вакилларига бўлган муносабатда муқаддас ислом динига бўлган ҳурмати ҳамда унинг ғояларини улар фойдасига талқин қилишдир. Оддий мусулмон инсон билан сўзлашсангиз унинг фикр юртишига разм солинг, маълум бўлади. Ахир у ҳам худо яратган бандаку, деб ўйлаб қоламиз. Бирини рус, бирини қирғиз яна бирини хитойлик этиб яратди ва ер юзига тарқатди. Ана шу сабабли кўп миллатли Ўзбекистон давлатида диний эркинлик берилди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ҳам тўхталиб ўтилган.

Мисол учун Фарғона шаҳрида Корейс миллий маданий марказини Християн евангар "Надежда" черкови бор. Бу дастлаб хусусий уйларда, мактаб спорт залларида фаолият юритган. Виждон эркинлиги туфайли бу марказ алоҳида бинога эга бўлди. Ҳозирги кунда бу ерда ёшлар ва болалар хори мусиқий ансамбли ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Булар билан бирга корейс ёшларидан иборат Ариян мусика ансамбли ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бунга нафақадаги корейслар ташаббускор бўлишди. Ахир ҳозирги кунда кўплаб анъаналарини ёшлар унутиб қўйишмоқца. Шунинг учун болалар фольклор ансамбли ташкил этилган бўлиб, у турли байрам дастурларида иштирок этиб келмоқда. Бу ансамблга Пхеньян театрининг машҳур раққосаси Ли Сан Си раҳбарлик қилади.

Татар миллий маркази ҳам бу соҳада ўзини намоиш этмоқда 2007 йил 2 декабрда татар ёшлар ансамбли Ўзбекистон Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган байрамида ўзини комедик спектаклини намоиш этди. Фарғона шаҳар марказида "Наврўз" байрами ва 2008 йил 17 майда "Ёшлар йили" муносабати билан Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли театрида ҳам катта концерт бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда татар тилини ўрганувчиларга махсус курслар очилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нашри, Хабарнома. 2 сон. 1995. Б. 12.

Милларлараро муносабатларнинг юксалиши ва бағрикенгликни шаклланишида барча маданий марказлар ўз моҳиятига эгадир. Мисол учун, Ўзбекистон немислари “Видергебурт” маданият маркази мисолида олсак, бу ерда Нина Айхвалъд бошчилигида марказда кўплаб имкониятларга эга бўлган немис тили,компютер курслари, немис миллий ошхонаси, рақс тўғаракларида кўплаб ёшлар иштирок этиб ўз билим ва тажрибаларини оширмоқдалар. Аҳамиятли жиҳати шундан иборатки бундай тўғаракларда турли миллат вакиллари учратиш мумкин. Бундай тўғараклар орқали миллатлараро муносабатлар мустаҳкамланиши, ўзаро дўстлик, толерантлик, бошқа миллат вакилларига ҳурмат ҳиссини шакллантирилишини таъкидламоқчимиз. Ана шундай фидойилик ишлари учун марказ бошлиғи Айхвалъд Н.А (2000) ва мовуни Гейцин М.Н (2013) Ўзбекистон Президенти фармони билан “Дўстлик” ордени билан тақдирланиши ижобий ҳолдир.

Таҳлилларимизга асосланиб шунни айтиш мумкинки,Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатларни тараққий этишга барча шарт-шароит, имкониятлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида яратилмоқда. Бугун юртимизда байналмилал мувофиқлаштирувчи марказ раҳбарлигида 140дан зиёд маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бораётгани миллатлараро муносабат шаклланишига ва тинчликни барқарор бўлишига ҳизмат қилмоқда ва фуқаролик жамиятини такомиллашишига замин яратмоқда.

Худди шундай курсларни корейслар миллий маданий маркази ҳам очган. Шу ерда корейс миллий маданий марказининг раиси Ревмир Лянни бир фикрини айтиб ўтишни жоиз деб билдим. “Тил йўқолса миллат йўқолади”-бу гап бежиз айтилмаган. Ахир ҳозирги кунда кўплаб ёшлар ўзларини миллий байрамлари, миллий урф-одатини ҳаттоки, тилини ҳам унитиб қўйишяпти. Рев Лияннинг ёзишича, отаси Лян Хя Тюн 1939 йилдаёқ ўғлига яшаётган миллат халқи тилини билиши зарур, Биз Ўзбекистонда(1937 йилдан)яшаган эканмиз ўзбек тилини билишимиз керак деб уқтирар экан.

"Чусо" байрами 2002 йили нишонланди. Ой календари бўйича 8 оининг 18 кунни нишонланади. Буларни урф-одатларини тикланишида карейсларга Койка фирмаси ҳар томонлама ёрдам бериб келяпти.

"Асрлар садоси" фестивали Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани Қайнар қишлоғи жамики миллий-маданий марказларни жамлади. Фестивал эсда қоларли даражада ўтказилди. Санъат байрамида миллий удум ва урф-одатларимиз, анъаналаримиз, миллий ошхонадан тортиб, ниятларни рўёбга чиқишига халқимизнинг ўзаро иноклиги, ҳамкорлиги, осойишталиги, урф-одат, анъана ва маданиятларнинг эътироф этилиши ва раванқ топиши учун соғлом ижодий муҳит яратиш асосида адолатли жамият барпо этиш йўлидаги ижтимоий-маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Қуйида исми – шарифлари келтирилаётган шахслар республикамиз шаҳар, вилоят ва туманларида миллатлараро дўстлик ва қардошлик муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш йўлида заҳмат чекаётган фидойи кишилардир. Улар раҳбарлигида миллий маданий марказлар самарали тарбиявий ва ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 2002-йил 14-январдаги) "Республика байналмилал миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларидан: Хоразм вилояти биринчи спорт мактаби мураббийси, рус миллий-маданий маркази мураббийси Селеверстова Надия Георгиевна "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", Республика байналмилал маданият маркази директори ўринбосари - Нурматова Муножатхон Қўчқоровна "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими", "Прогресс" (Қорақалпоғизтон Республикаси) таълим ва тараққиёт маркази директорининг ўринбосари - Бегимбетова Нурия Айтбаевна, Тошкент вилоят Ўртачирчиқ тумани "Машъал" газетаси муҳаррири ўринбосари - Бозоралиев Маъмуржон (қирғиз миллий-маданий маркази), Тадбиркор, Фарғона вилояти корейс миллий-маданий маркази раиси - Лян Ревмир, Республика байналмилал маданият маркази директори -Расулов Карим

Расулович, Нафақахўр, Қорақалпоғизтон Республикаси туркман миллий-маданий маркази раиси - Султонов Бекпўлат, Жиззах вилояти қозок миллий-маданий маркази раиси-Толбаев Умрзах Пўлатович, "Ўзтелерадио" компанияси "Дўстлик" студиясининг бўлим мудири - Эрматова Шарофатхон, Тошкент шаҳар "Ориёна" тожик миллий-маданий маркази ўринбосари, "Дўстлик" ордени совриндори Ўзбекистон Давлат консерваторияси кафедра мудири - Галушенка Ирина Георгиевна, украин миллий-маданий маркази, Нафақахўр, Самарқанд вилояти "Луйс" арман миллий-маданий маркази раиси - Гарумянц Виладимр Каспарович, Нафақахўр, Тошкент шаҳар литва миллий-маданий маркази раиси ўринбосари - Жаунис Алргердас Броняус, Республика "Болалар" жамғармаси қошидаги "Меҳр-таянчи" жамғармаси директори, Тошкент шаҳар болгар миллий-маданий маркази раиси - Тодоров Николай Михайлович, Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси матбуот маркази бош муҳаррири, Зарафшон шаҳар "Нур" татар-бошқирд миллий-маданий маркази Фелдгирч Халитов Рафаил Нигматовичларни "Шухрат" медали билан, тақдирлаш ҳақидаги Президентимизнинг фармони юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик инсонпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказларни тузиш ва фаолиятини ташкил этишга қўшган ҳиссасининг юксак эътирофидир. Бугун юртимизда байналмилал мувофиқлаштирувчи марказ раҳбарлигида 140дан зиёд маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бораётгани миллатлараро муносабат шаклланишига ва тинчликни барқарор бўлишига хизмат қилмоқда ва фуқаролик жамиятини такомиллаштиришга замин яратмоқда.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРИ

2.1.Толерантлик тамойилини, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий маданий марказларни режа ва истикболи дастурлари

Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик ғоялари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган муҳим қоидага асосланади: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”¹.

Айнан “барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги” ҳақидаги қоидага алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Зеро, бунда миллатлараро тотувликни таъминлаш ғоясини амалга ошириш учун “фуқаролик” асосий мезон сифатида олингани аҳамиятлидир. Бу барча миллат ва элат вакиллари бир ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишини кафолатлаш орқали уларнинг тотувлигини таъминлашни англатади. “Бу ғоя жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб бўлган кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир”².

Миллатлараро тотувлик ғояси жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга эканлигини миллий маданий марказлар қуйдагича изохлайдилар:1) турли миллатга мансуб бўлган фуқаролар ўртасида бир-бирига нисбатан аҳил бўлишга, ҳурмат билан қарашга даъват этади. Бу эса турли миллат вакиллари бир-бирларини камситиш ёки ўзаро лоқайдлик билан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 9-бет.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилари. –Т: Ўзбекистон, 2000. 59-бет.

қарашдек носоғлом иллатларнинг олдини олади; 2) мамлакатда яшаётган ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратади; уларнинг эркинлигини, тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга хизмат қилади; 3) миллатлараро тотувлик бор жойда жамиятда барқарорлик мавжуд бўлади, чунки бу ғоя ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаб беришга хизмат қилади. Турли миллат вакиллари ўз мамлакати, Ватан олдида турган эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.

Ўз навбатида миллатлараро тотувликни амалга ошириш барча миллат ва элат вакилларининг тилларини ҳурмат қилиш, урф-одатлари ва анъаналарини эъзозлашни, ўзлигини сақлаб қолиш ва ривожланиши учун шароит яратиб беришни талаб этишини унутмаслик керак.

Шўролар даврида миллатлараро тотувлик ғояси шунчаки бир шиорга айланган эди. Амалда эса, турли миллатлар ўртасида муносабатларга ўзаро нифоқ солиш, миллий камситиш, миллий тил, урф-одат ва анъаналарга нисбатан беписандлик билан қараш, уларнинг ривожланишига эркинлик бермаслик сиёсати маккорона тарзда амалга оширилган. Мустақиллик шароитида бундай амалиётга чек қўйилди.

Леонид Левитин ўзининг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” номли китобида Ўзбекистондаги кўп миллатлилиқ омили билан боғлиқ айрим муаммоларга эътиборини қаратади. У ёзади: “Миллий ўзликни англаш даражасининг ошиши ва унинг сиёсийлашуви ҳозирги даврда жаҳон ҳамжамияти ривожининг қонуниятларидан биридир. Шу сабабли полиэтник (кўпмиллатли) давлатларда мамлакатга ном берган миллат билан оз сонли элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазкур давлатлар ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигининг, улардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт динамикасининг ҳал қилувчи шартларидан биридир”¹.

Муаллиф давом этиб ёзадики, мустақилликка эришилган даврда Ўзбекистонда мамлакатга ном берган миллатнинг аҳоли умумий таркибидаги

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислам Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари. -Т.: Ўзбекистон, 2001. 172-бет.

улуши (73,6 фоиз) бўйича фақат Туркменистондан (74, 4 фоиз) кейинда бўлиб, Тожикистон (62,3 фоиз), Қирғизистон (54 фоиз) дан ва айниқса Қозоғистон (41,7 фоиз) дан анча устун бўлса-да у аслида чинакам кўп миллатли мамлакатдир. Унда ўзбеклар билан бир қаторда юздан ортиқ элат вакиллари яшайди. 1992 йилда бу соҳадаги манзара қуйидагича эди: руслар-5,5 фоиз, тожиклар-5,1 фоиз, қozoқлар-4,2 фоиз, қорақалпоқлар-2,0 фоиз, татарлар-2,0 фоиз, корейслар -1,1 фоиз, қирғизлар-1,0 фоиз.¹

Ҳозирга келиб, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп сонли миллат вакилларининг умумий миқдорий кўрсаткичи анча ўзгарди. 2-иловага қаранг. Жадвалдан кўриниб турибдики, миллатлараро тотувлик ғояси Ўзбекистон учун шунчаки чиройли шиор бўлмай, ҳаётий эҳтиёж ҳисобланади. Қолаверса, миллатлараро тотувлик ғоясини ўзбекларга хос бўлган миллий табиати, ички маънавий дунёси, фалсафасиз тушуниш қийин бўлади. Шўролар тузуми даврида ҳам, ундан олдин ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳозиргача ҳам миллий менталитет билан боғлиқ бўлган “миллатлараро тотувлик ғояси” ўзига хос тарзда намоён бўлаётганининг гувоҳимиз. Ҳеч ким ўзбек халқининг бошқа миллат ва халқларга нисбатан ғараз билан муносабатда бўлганлигидан тарихий далил келтира олмайди, деб ўйлаймиз. Тарихнинг барча синовларидан ўзбек халқи бу соҳада ҳам юзи ёруғ бўлиб ўтиб келганини ва келаётганини таъкидлаш лозим.

Республикамиз халқи айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида инсонпарварлик, олижаноблик, фидойиликнинг энг юқори намуналарини намоён қилди. Ўша оғир бир бурда нон тансиқ бўлган йилларда Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади. Бу билан ўзбек халқи ўзининг нималарга қодир халқ эканини намойиш этди.

Уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш ишларига жиддий эътибор берилди. Урушнинг дастлабки кунларида Ўзбекистонга 1млн. дан ортиқ киши эвакуация қилинди, шулардан

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001. 171-бет.

240000 дан кўпроғи болалар эди. Шунингдек, душман эгаллаган жойлардан кўплаб болалар уйлари, жумладан, 23 та поляк болалар уйи, 120 та испан болалар уйи ва 5 та ҳарбий мусикали билим юрти, бир неча кўрлар ва карлар мактаблари Ўзбекистонга кўчириб келтирилди.

Эвопунктларнинг маълумотига кўра, 1941 йил 15 декабрга қадар 525000 нафар аҳоли республикага эвакуация қилиниши ва жойлаштирилиши режалаштирилган бўлса, уларнинг сони ортиб бориши натижасида келган ва жойлаштирилган аҳоли 665419 нафарни ташкил этган. Эвакуация қилинганлар орасида кексалар, аёллар, болалар ва турли миллат вакилларига мансуб бўлган кишилар бўлган. Буни биз биргина Тошкент вилоятининг Тошкент тумани мисолида кўришимиз мумкин. 1942 йил январ ойининг ўрталарида Тошкент туманига 2712 киши эвакуация қилинган. Уларнинг 1252 нафари эркакларни, 1460 нафари аёлларни ташкил этган. Шулардан: руслар-1913, украинлар-126, белоруслар-33, яхудийлар-569, ўзбеклар -1, арманлар-9, татарлар-13, поляклар-6, немислар-3, греклар-2, бошқирдлар-7, молдаванлар-2, мордвинлар-8, шведлар-1, чувашлар-6, эстонлар-5 нафарни ва бошқа миллат вакиллари 8 нафарни ташкил этган.¹

Жами Тошкент вилоятига 1942 йил январ ойининг ўрталарига келганлар 5414 кишини ташкил этган. Улардан 2341 нафари эркаклар, 3073 нафари аёллар бўлган. Улар турли миллат кишилари бўлиб, 7 ёшдан 60 ёшга бўлган кексалар, аёллар, болалар эди. Республикага эвакуация қилинаётган аҳоли сони кундан-кунга ортиб борган. 1941 йилнинг ноябр ойи давомида Украинадан Ўзбекистонга 54029 нафар (масалан, Одесса, областидан-9508, Киевдан-7528, Днепропетровскдан-4238, Харьковдан-3490, Винницадан-2810, Житомирдон-2082) киши ва бошқа юртлардан эвакуация қилинган эди. Республикага Россия, Молдавия, Болтиқ бўйи ва Белоруссия республикаларидан ҳам кўплаб кишилар эвакуация қилинди.

¹ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: 2004. 55-б.

Уруш йилларида Сурхондарё вилоятига 20 мингдан ортиқ аҳоли келтирилиб жойлаштирилган бўлса, уларнинг 3,5 мингтаси ёш болалар бўлган.

Эвакуация қилинган аҳоли учун Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Нарпай, Пастдарғом ва вилоятнинг бошқа туманларида болалар уйлари ташкил этилди. Уларда 4270 нафардан ортиқ бола тарбияланди.

Бухоро вилоятига ҳам уруш йиллари 150 мингдан ортиқ аҳоли жойлаштирилди. Андижон вилоятига эвакуация қилинган 10 минглаб аҳоли жойлаштирилди. 1941 йилда Наманган вилоятига Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларидан 19 минг киши эвакуация қилинди. Уларнинг 1674 нафари иш билан таъминланди. Боқувчисиз қолган 1780 кишига ҳар ойда нафақа бериб турилган. Наманган тумани хўжаликлари Волоколамск шаҳридан кўчириб келтирилган болалар уйини оталиққа олдилар.

Ўша пайтда ота-онасиз қолган 300 дан ортиқ болаларга ғамхўрлик кўрсатилди. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон ва Поп туманларида махсус болалар уйлари очилган.¹

Қорақалпоғистонга 3891 нафар киши кўчириб келтирилган, 900 та оила ота-онасидан ажраб қолган етим болаларни ўз тарбиясига олган. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ва кўчириб олиб келинганларнинг 20,3 минг нафар болалари болалар боғчасига, яслиларга ва болалар уйига жойлаштирилган. Республиканинг барча халқлари қатори қорақалпоғистонликлар ҳам эвакуация қилинган аҳолига ўзининг муносиб ёрдамини аямаганлар.²

Оддий ўзбек темирчиси Шоаҳмад ота Шомаҳмудов ва Баҳри опа инсонпарварликни улуғловчи оила сифатида катта жасорат, қаҳрамонлик, меҳрибонлик фазилатининг ёрқин намунаси сифатида турли миллатлар тарихида абадий муҳрланди. Уруш бошланганда Шоаҳмад Шомаҳмудов (1890-1970) ва унинг хотини Баҳри Ақромова (1903-1987) Тошкентдаги Тельман номли артелда темир тобловчи бўлганлар. Улар бошпанасиз қолган

¹ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: 2004. 58 бет.

² Ўша асар. 87 бет.

турли миллат вакиллари бўлган 14 болани ўз тарбиясига олишган: Хабиба, Вова, Шухрат-рус, Ҳамидулла-украин, Рафик, Раҳматулла-татар, Холида-молдаван, Самуғ-чуваш, Йўлдош, Эргаш-яхудий, Халима-қозок, Қоровой, Ниғмат, Муаззам, Хакима, Улуғбек-ўзбек.

Шундай саҳоватпеша инсонлардан яна бири-Ҳамид Самадовдир. Оила бошлиғи Ҳамид Самадов (1910 йил Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида туғилган) урушнинг дастлабки кунларида армия сафида алоқачи, сўнг пулемётчи бўлиб хизмат этган. 1944 йил февралда жанглардан бирида яраланиб, 2-гуруҳ ногирон сифатида уйга қайтади. Урушдаги жасорати учун Қизил Юлдуз ордени ва медаллари билан мукофотланади. Ҳамид Самадов ҳали уйланмаган бўлишига қарамай 12 болани фарзандликка олиб, уларни асраб-авайлаб тарбиялади, билим берди, ҳаётда меҳр ва саҳоват кўрсатиб, уларнинг ўз ўринларини топишларига кўмаклашди. Булар турли миллат, болаларидир: Қўчқор-туркман, Нурмуҳаммад-тожик, Донат, Иван, Лиза-рус, Женя-белорус, Керим-татар, Арслон, Рашид, Мирали, Карим, Мурод-рус.

Уруш тугагандан кейин, 1946 йилнинг апрел ойида 1147 нафар поляк боласи режа асосида тарбиячилари билан, май ойида эса 773 тарбияланувчи, 514 ходим ва уларнинг оила-аъзолари махсус, эшелонларда Польшага кузатиб қўйилди. Уларни кузатиш чоғида Польша миллий бирлик ҳукумат вакили Ружа халқимизга ўз миннатдорчилигини билдириб шундай деган эди: “Бугун биз юртимизга қайтиб кетяпмиз, биз ўзимиз билан сизлар асраб қолган келажагимиз-фарзандларимизни олиб келяпмиз.” Бундан ташқари, биргина Қарши шаҳридан 1946 йил 10 апрелда Москва-Сталинград йўналиши билан 588 нафар болалар ўз уйларига қайтарилди.

Юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бугунги Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар миллатлараро муносабатларда янада муҳим миллий-маънавий муҳит шаклланаётганидан далолат бермоқда. Бундай ижобий муҳит ўзаро ҳурмат, юксак маданият, етуклик ва комилликка интилиш орқали мазмунан бойиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган 150 миллий-

маданий марказ олиб бораётган ишлар ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Хуллас, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик ғоялари мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирларига нисбатан ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

7 феврал 2017 йилда қабул қилинган 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегиясида” ҳам миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, толерантлик таъмоиллари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистондаги миллий маданий марказлар ҳам ушбу стратегияга мос бўлган ўзларини истиқболли дастурлари, таклифлари, амалий ишлари билан юрт тинчлиги ва равнақига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Турли халқлар ва миллатлар ҳаётида ўзаро муштарак мақсадлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш вазифаларини биргаликда амалга оширишда жипслаштирувчи, уюштирувчанлик, сафарбарлик омили сифатида хизмат қилиб келмоқда.

3.2. Юрт тинчлигини таъминлашда миллатлараро тотувликнинг ўрни

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 — моддасида “Ўзбек халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, дея таъкидланиши Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат ва халқларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлигини белгилаб берса, Конституциянинг 4 — моддасида: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг ўз динига эркин сиғиниши билан бирга ўз тилларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун шароит яратади”, деб таъкидланади. Айни пайтда Ўзбекистон республикаси давлат сиёсатининг барча жабҳаларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқлар ва уларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар биринчи навбатда туради. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” деб номланган асарида ҳам эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш даврида миллатлараро тотувликка асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида миллатлараро ноантогонистик зиддиятларнинг мавжудлиги ва бу зиддиятларнинг олдини олиш борасидаги чора — тадбирларни кўриш, бунинг учун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллатларнинг аҳил — иноқ яшашини таъминлаш, уларнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган асосий омилга айланиши ” алоҳида таъкидлаб ўтилган. Миллатлараро барқарорликни таъминлаш Республикада XX асрнинг 80 — йилларидан бошлаб кучайди. Маълумки, XX асрнинг сўнгги йилларига келиб Республикада миллий масала анча чуқурлашиб кетди. Республикада истиқомат қилаётган XX аср 30-40 йилларида Сталин режими даврида мажбуран кўчирилган халқлар “қайта қуриш” эълон қилингач, она ватанларига кўчиб кетиш чораларини кўрган ва ҳукуматга бу тўғрисида ўз талабларини қўйган давр эди. Бунинг устига ижтимоий — иқтисодий, сиёсий

ва маънавий жиҳатдан яққол туназул ҳолати юзага келиб қолган собиқ советлар мамлакатада жаҳондаги илғор тажрибаларга асосланмаган «жадаллаштириш» ғоясининг илгари сурилиши, коммунистик мафкура доирасидан чиқа олмаган “қайта қуриш” сиёсати бошқа собиқ иттифоқдаш республикалар сингари “ягона халқ хўжалиги” комплекси таркибидаги Ўзбекистонда ҳам ижтимоий – иқтисодий аҳволни оғирлаштириб юборган эди. Бу вақтлар республика ижтимоий — иқтисодий пойдевори иттифоқнинг ўртача кўрсаткичларидан анча орқада қолган, аҳоли жон бошига яратилган миллий даромад бўйича ҳам, асосий озиқ — овқат маҳсулотлари, уй — жойлар, маориф, соғлиқни сақлаш объектлари билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа соҳалар бўйича қолоқликлар мавжуд эди.

1989 йилдан Ўзбекистоннинг Ислон Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти республикадаги бу ҳолатларни яққол кўрган ва уларнинг олдини олиш чора — тадбирларини кечиктирмасдан бошлаш лозимлигини англаб етган эди. Гарчи, Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлиб, республикани миллий рағнақи ва ўзига хос тараққиёт йўлини танлаши қийин бўлсада, янги раҳбарият Ўзбекистон келажагини белгилайдиган асосий омиллар — хусусан, иқтисодиётни кўтариш, ижтимоий ҳаётни янгидан изга солиш, маданий — маънавий ҳаётни юксалтириш, тарихий ҳақиқат, таъқиб остида бўлиб келган урф — одат, анъаналарни қайта тиклаш кабиларга етарли даражада эътиборни қаратди. Булар қуйидагиларда кўринар эди.

Биринчидан, 1980 йиллар охирига келиб Ўзбекистон иқтисодининг бир томонлама, заиф ривожланиши оқибатлари ижтимоий-иқтисодий аҳволда яққол намоён бўлиб, уларни изга солиш учун чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш муҳим эди. Бу масала Ўзбекистоннинг янги раҳбари И.Каримов томонидан кўтарилди. Ушбу тадбирлар, аввало, республикада озиқ-овқат дастурини бажариш учун шахсий хўжаликлар сонини, уларга ажритиладиган ерлар миқдорини кўпайтириш, уй-жой танқислигини ҳал этиш, кишиларга уй-жой қуриш учун керакли меатериалларни етказиб беришни ташкил этиш, ишсизлик

муаммосини ҳал этиш учун хўжаликларда ғишт пиширадиган, дурадгорлик ва бошқа маҳсулотларни тайёрлайдиган корхоналар қуриш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ижтимоий сиёсий барқарорлик масалаларни ҳал этиш, ёшларни иш билан таъминлашни тезлаштириш каби вазифаларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида Ўзбекистон раҳбари “ижтимоий ва иқтисодий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмаганлигида ” эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтган эди. Натижада Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти республикада юзага келган ижтимоий – иқтисодий таназзулдан чиқиш чораларини марказдан ҳоли бўлган ҳолда амалга оширишга киришди. Дастлаб “Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси”ни тайёрлаш бошланди. Концепция республика Давлат режа қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, илмий тадқиқот институтлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланди. Шунинг асосида “Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принциплари” ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. 1989 йил 15 августда қишлоқ меҳнаткашлари учун уй ва ер ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор қабул қилинганидн сўнг ўтган бир йил мобайнида 60 мингдан зиёд оилага ер участкалари ажратиб берилди. Республикада мавжуд бўлган томорқалар бутун экин майдонларининг 5 фоизини ташкил этган ҳолда, жами 200 минг гектар ерни ташкил этди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда собиқ совет давлати ҳукмронлик қилган йиллари зўрлик билан кўчирилган, ўша вақтларда кам сонли ҳисобланган халқлар миллий манфаатларини ҳимоя қилиб, она ватанларига кўчиб кетиш ҳаракатларини бошлаган эдилар. “Қайта қуриш” эълон қилинганидан бери ўтган вақт мобайнида қрим — татарларининг ватанларига кўчиб кетиш учун

марказга ёзган арзномалари 250 жилдни ташкил этди, месхети — турклари ҳам ватанларига қайтиш учун чора — тадбирларни кўра бошлаган эдилар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, тили ва дини, маданияти туташ бўлган ўзбеклар билан месхети турклари, елкадош бўлиб далаларда меҳнат қилдилар, бир- бирларига ҳамдард, қон — қариндош, куда — анда бўлиб, аҳил бўлиб яшадилар. Бағрикенг ва меҳмондўст ўзбек халқи бошқа халқлар каби уларни ҳам қувватлаб келди. Ярим асрга яқин вақт давомида миллатлараро муносабатлар борасида бирор марта оддий ихтилофлар ҳам чиқмади. 1989 йил Фарғона водийсида Фарғона фожеалари авж олган паллада ҳам аксарият ўзбек хонадонлари кўплаб месхети турклари оилаларини ўз уйларида, касалхоналардаги ҳамширалар эса қасрга қочиб боришни билмай турган туркларни ертўла ва бошқа жойларга яширдилар. Қишлоқ аҳолиси тўпалонлар кучайган кунлари жабрланган месхети туркларга тегишли бўлган қорамолларни тўплаб, улар кимга тегишли эканини аниқлаб, вақтинча боқиш учун колхоз молхоналарига топширдилар. 1989 йил 24 июнда Ўзбекистоннинг И.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти сайланди. Шу вақтдан бошлаб Фарғона водийсида месхети – турклари ва ўзбеклар ўртасида турли ифволар ва бўхтонлар натижасида бошланган можароларга эҳтиёткорона ва босиқлик билан қараш бошланди. И.Каримов Ўзбекистоннинг янги раҳбари сифатидаги иш фаолиятининг биринчи кунидан Фарғона водийсида содир бўлган воқеаларга босиқлик билан ёндошиб, можаролар илдизини билиб, унинг кучайиб кетиш олдини олиш чораларини белгилаган ҳолда сиёсат юритди. Фарғона воқеалари асоратлари тугатилиши билан бирга Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида миллий маданий марказлар тузила бошланди. Бу марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш мақсадида Ўзбекистон ССР Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди ва уларнинг сони 1989 йилда 12 тага етди. Ушбу марказ миллий маданий марказлар фаолиятига раҳбарлик қилиши, турли миллатларнинг урф

— одат, диний қадриятларини тиклаш ва ривожлантиришда кўмак бериши асосий вазифа қилиб белгиланди. Ўша йиллари бутун мамлакатда бўлганидек, миллий маданий марказлар фаолиятида кўп нарсалар биринчи маротаба содир бўлди. Бундай марказлар, хусусан, поляк миллий маданий маркази “Светлица Польска”, корейс миллий маданий маркази “Возрождение” (Тикланиш), немис миллий маданий маркази “Видергебурт” (Тикланиш), озарбайжон миллий маданий маркази “Гардашлўк” (Дўстлик) кабилар республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, халқлар ўртасида дўстлик, қардошлиқни мустаҳкамлашда шарафли хизматни ўтади.

Ватан равнақи ва юрт тинчлиги ғоялари бир мамлакатда яшайдиган миллат ва элат вакилларининг мақсад, манфаатларининг ўзаро муштараклигига асосланади. Ўзбекистонда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун ягона ватан Ўзбекистон ҳисобланади.

Чунки, Ўзбекистон унда яшаётган турли миллат вакиллари учун киндик қони тўкилган жой, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскан ҳисобланади.

Ҳар бир ўзбекистонлик қайси миллатга мансуб бўлмасин, унинг аجدодларидан авлодларига қоладиган буюк мероси энг азиз хотира бўлиб қолади. Ватан ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган вақти соати етиб ҳар биримиз бош кўядиган муқаддас заминдир.¹

Ватан равнақи ва юрт тинчлиги ғояси ўзининг умуминсоний мазмун ва моҳиятига эгаллиги билан ажралиб туради ва ҳар бир миллат фарзанди ҳаёти билан боғлиқ. Бугунги ўтиш даврида унинг ўзига хос муштарак жиҳатлари намоён бўлмоқда. ”Ўтиш даври-миллий ўзликнинг, миллий ғоянинг янгитдан шаклланиши даври. Бизнинг миллий истиқлол ғоямиз ўзимизнинг тараққиёт стратегиямизга мос, Ўзбекистоннинг ривожланиш, янги жамият барпо этиш ғоясидир. Бу ғоя ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида барчамизнинг манфаатимизни ифода этган халқ ғоясидир.”²

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилар. Т.: Ўзбекистон, 2000, 51-бет.

² Қувватов. Ўтиш даври тафаккури. Т.: Маънавият, 2002, 13-бет.

Ватан кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аجدодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати.

Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин ўлкадир. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмайди халқимиз. Бироқ, киши улғайган сайин, унинг ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгаяди. Натижада, тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий сифатлари бир бўлган авлодлар яшаган ва яшаётган жуғрофий муҳит ватанни ифода этади. Ички тушунча ва кечинмаларни кўзда тутиб фикр юритсак, Ватан тарихий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Миллатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ўсиши авваллари фақат бир элат ёки миллат учун ватан бўлган ўлкани, шу ўлкада яшаб турган барча элат ва миллатлар учун ватанга айлантиради. Республикамизда ҳозир яшаётган юздан зиёд миллат ва элатларнинг Ўзбекистонни ўз ватани деб билиши ҳам ана шундай жараёнлар ва ўзгаришлар натижасидир. Шу боисдан, Ватан тушунчаси тор миллий қарашлардан кенгроқ бўлиб, у бир жой, замин, ўлкада яшаётган кишиларни, уларнинг миллатидан қатъи назар бирлаштирувчи ижтимоий туйғудир.

Турли даврларда юртимизда чет элларга кетишга мажбур бўлган ватандошларимизнинг фарзандлари ва неваралари ҳам Ўзбекистонни ўз Ватанимиз деб атайдилар. Бў ўринда миллий-маънавий тушунчалар ва анъаналар кўпроқ таъсир қилаётгани аён дир.

Ватан, энг аввало, объектив муҳит, борлиқ, замин билан боғлиқ бўлгани учун киши онгида аниқ тасвир, қиёфа, сиймолар тарзида шаклланади. Мавҳум Ватан йўқ. Ватан ҳар доим аниқ кўринишга эга бўлади. Шунинг учун ҳам, у кишидан аниқ ва мақсадли муносабатларни талаб этади. Ватан бир-биримизга ота-боболаримизга, тарихимизга, ён-атрофимизга,

куршаб турган табиатга ва фарзандларимизга бўлган муносабатларимизда ҳам намоён бўлади.

Халқ маданияти, анъаналари, урф-одатлари, миллий онг ҳам Ватан тушунчаси билан мустаҳкам боғлиқ. Кишининг шаклланишида ушбу кадриятлар етакчи ўрин тутгани сабабли, улар Ватан тушунчасига боғланиб қолиши табиий. Демак, Ватан кишининг, авлодларининг бутун ҳаёти, турмуш тарзи, онги, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ бўлган кенг камровли тушунчадир.

Ватан тушунчаси мустақиллик шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, истибдод йилларида ҳукмрон мафкура кишиларимизнинг онгида асл Ватан тушунчасини бузиб, унинг ўрнига мавҳум, кенг ва умумий Ватан тушунчасини сингдирмоқчи бўлди. Масалан, ўзбек учун гўё Сибр ҳам Болтиқбўйи, Ўзбекистон билан бир қаторда ватан эди. ”Ўзбекистон-Ватаним маним “ёки” “ўзбегим” дейиш миллатчилик, миллий чекланганлик деб баҳоланар эди. Ҳолбуки, ватан-муайян, аниқ тушунча.

Ватан тушунчаси халқимиз вакиллариининг анчагина қисмида етарли даражада аниқ эмаслигининг биринчи сабаби ўтмишдаги ҳукмрон мафкура таъсири бўлса, иккинчи сабаби-темурийлар замонидан сўнг, то XX асрнинг биринчи чорагигача Ўзбекистон деган ягона жуғрофий ва сиёсий тушунчанинг амалда бўлмаганлиги, хонликлар амирликларга бўлиниб кетган ҳудудларнинг устига-устак чоризмнинг мустамлакасига айланиши эди. Мустақиллик ана шу икки салбий омилни бекор қилиб, халқимизда ҳақиқий Ватан ҳиссини, тушунчасини мустаҳкамламоқда. Эндиги долзарб вазифаларимиздан бири-ҳар бир фуқаромизда Ватанни севмоқ, Ватан учун бутун куч-ғайратини бағишлаш руҳини шакллантиришдир. Ватаннинг шон-шавкати, номи, мавқеи билан ғурурланиш хислатларини халқимиз вакилларига сингдириш зарур.

Ватанпарварлик кишининг ўзи туғилиб ўсган камол топган жой, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, фаол муносабатини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларидир. Ватанпарварлик аниқ

муҳитда, заминда ва мавжуд маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Шахс ватанпарварлик туйғусини яратмайди, балки уни қабул қилади. Чунки ватанпарварлик узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклланадиган ижтимоий туйғудир.

Ватанпарварлик кишиларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатларининг, фазилатларининг юксак намоён бўлиши ҳисобланади. Зеро, улар негизида ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, урф-одатларни, қадриятларни сақлаш, эл-юрт равнақи учун дилдан меҳнат қилиб, Ватанни турли ташқи хуружлардан ҳимоя қилиш, зарур бўлса, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслик қабила ётади. Ватанпарварлик эл-юрт манфаатларига ҳизмат қилиш, эл-юрт манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш демакдир.

Фидойилик ватанпарварликнинг бош белгиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида мустаҳкамланиши, унинг иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти учун тинмай меҳнат қилиш ва изланишни фидойилик дейишимиз мумкин. Фидойилик Ватанга садоқатдан, муҳаббатдан бошланади. Истаган соҳада ватанпарварлик туйғусини намоён қилиш мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш, ота-боболаримиз қолдирган маданий меросларни тўплаш, ўрганиш, авайлаб сақлаш ва тарғиб қилиш қабила ҳам ватанпарварлик ҳисобланади.

Ватанпарварликнинг олий кўриниши жасоратдир. Жасорат кишининг Ватан ва юртдошлари учун ўз манфаатларидан, керак бўлса жонидан ҳам кечиб намоён этадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларидир. Жасорат халқ фаровонлиги, илм-фан ва маданият равнақи, Ватан ҳимояси учун қилинган меҳнатда ҳам ўзини фидо қилиш талаб этиладиган ғавқулодда ҳолатларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Ватанпарварлик ўзбек халқининг миллий туйғусини ривожлантириш, миллий юксаклик ғояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли элат ва миллатлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади. Худди шунингдек, у Ўзбекистонда

демократия ва ҳурфикрлиликнинг қарор топишига ғов бўлаётган ҳолларга қарши курашишни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллик шароитида кишиларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Муҳим вазифа Ўзбекистондаги ҳар бир инсонни миллати, дини, тилидан қатъи назар ватанпарварлик руҳида бу ҳудуднинг ҳақиқий жонқуярлари этиб тарбиялашдир.

“Ҳар қандай мафкура қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутати: муайян ғояга ишонтириш; уюштириш; сафарбар этиш; маънавий -руҳий рағбатлантириш; ғоявий тарбиялаш; ғоявий иммунитетни шакллантириш; ҳаракат дастури бўлиши. Мафкура ўз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин”.¹ Дарҳақиқат, мафкуравий тарбия-жиддий ва сурункали жараёндир.

Ҳар бир жамият сиёсий ҳаётида содир бўладиган жиддий ўзгаришлар унинг ғояси, ахлоқи маънавияти ва қарашларида ҳам содир бўлиши ижобий натижаларни беради. Бироқ бу қатъий ва муттасил тарбиявий-маърифий ишларни талаб қилади. Чунки одамларни замонавий янгича фикрлашга ўргатиш учун узоқ вақт талаб этилади.

Жамиятнинг ғоявий янгиланиши тарбиялаш ва қайта тарбиялаш деган тушунчаларни ҳам англатади. Биз бугун ва эртанги кунимизда кечаги дунёқараш, ўй-ҳаёл, ниятлар билан яшай олмаймиз. Янгича фикрлаб, янгича яшасак-ғолиб, эскича фикрлаб, эскича яшайверсак мағлуб бўламиз. Чунки тараққиётга интилган миллатларгина қолоқ тафаккур, зарарли нуқсонлардан ўзини поклаб, олға интиляпти. Бу пойгада қайси миллат замонанинг энг илғор пешқадам фазилатларига амал қилса, ўша ютади.

Миллий ғурур туйғуси ёшларимизни катта-катта муваффақиятларга даъват этмоғи керак. Бугунги ўзбек ёшларининг йирик халқаро спорт мусобақаларида, халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга

¹ Миллий истиқдол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллари. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000. Б. 58-63.

киритаётгани бунинг исботидир. Одамлар қалбида буюк келажакка ишонч муносабатлари шаклланди ва у тобора чуқур илдиз отиб бормоқда.

Ўзаро аҳил, дили ва тили, сўзи ва иши бир миллат тез уюшади. Унинг ичида уюшқоқлик ҳам тез урф бўлади. Аҳил миллат одамларнинг ягона мақсад ва нияти уларни ўзаро дўст, қон-қариндошга айлантириб юборади. Бир ҳамқишлоғиникига, маҳалладошиникига келган ҳашарчиларнинг мақсади, нияти бир-бирини қўллаб-қувватлаши, аҳиллиги қандай бўлса, аҳил миллат ҳам ўзини шундай тутати. Ҳашарга келган кишилар бир-бирига эркин муносабатда бўлишади. Ҳар бир ишни эркин муҳокама қилишади. Чунки, ҳар бир айтилган фикр яхши ниятда, умумий ишни енгиллатиш учун айтилади.

Мустақиллик даврида ҳам барча ўзбекистонликлар озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, фуқаролик жамиятини қуриб яшашга аҳд қилишлари зарур. Уни амалга ошириш учун аҳиллик зарур. Аҳиллик ва билим бўлмаган жойда ҳатто эзгуликка хизмат қилувчи демократия ҳам кутилган натижани бермайди.

Демократия аслида янги фикр, янги ғоя, янги ташаббуслар манбаидир. Бироқ, барча замон ва маконларда ҳам эскича, консерватив фикрловчилар кўп бўлган. Янгича, илғор фикрловчилар эса дастлаб озчилик бўлиб, кейинчалик уларнинг сафи ортиб борган. Ҳаёт қонунияти шундаки, янги фикр доим эски фикр билан курашиб яшайди. Биз ҳозир ҳам унга гувоҳ бўлмоқдамиз. Демак, инсониятнинг бутун эришган барча ютуқлари янги, илғор фикрларнинг қийналиб бўлсада, ғалабага эришиб келаятганининг натижасидир.

Ватан учун фуқароларнинг мулки, ёши, илми, касби туғилган жойининг фарқи бўлмайди. Миллат ўғил-қизлари ҳам бунинг эвазига ҳар куни ўз Ватанига-Ўзбекистонга хизмат қилишга бурчлидир.

Бозор иқтисодиёти танбал, ишёқмас, боқиманда одамларга шафқатсиз. Бундайлар бозор шароитида ўз ўрнини тополмайди.

Фаол, тиниб -тинчимас изланувчан, янгиликка интилувчи одамларга ҳозирда барча йўллар очиқ. Бир қараганда бундай одамлар ўзларини ўйлаб,

елиб-югуриб, ижод қилиб, янгиликлар яратиб, бахтга эришадигандек. Бироқ, улар ўзлари билиб, ё билмай жамият ва миллатнинг тараққиёти билан боғлиқ турли мушкулларни енгиллатадилар.

XXI аср одамлардан янги фазилатларни-ҳар бир фуқаронинг бугунги тараққиётимиз тамойилларини чуқур англаган ҳолда фикр юритишни, илғор миллатлар амал қилаётган турмуш тарзини миллий хусусиятларимизга мослаб қабул қилишимизни талаб қилмоқда. XXI асрнинг суръати XX асрникига қараганда тездир. Буюк келажак бизлардан қисқа вақт ичида кўп иш қилишни талаб этмоқда.

Бугун халқимиз жаҳондаги юзлаб миллатлар орасида муносиб жой олди. Бизнинг ижтимоий ҳаётимизда эркинлик қарор топмоқда. Маълумки, мустамлака миллат озод эмас, тутқун бўлади. Тутқун миллат ижодкор бўла олмайди, муте миллат бўла олади. Тутқунлик фақат сиёсатда эмас, маънавиятда, менталитетда ҳам яққол кўринади. Чунки одам яшаш, кун кўриш учун мустамлакачилар талабларига мослашиб ўзидаги мутелик ҳиссини янада чуқурлаштириб боради.

Ҳар қандай миллат алоҳида одамлардан ташкил топади. Демак, ҳар бир одамга хос белги хусусиятлар охир-оқибатда миллат характери, менталитетига ҳам сингади. Шунинг учун ҳам, мустамлакачилик шароитида озод одамларнинг фазилатлари иллат, маданиятсизлик ва беодоблик деб, салбий баҳоланган бўлса, мутеларга хос бўлган мискинлик лоқайдлик боқимандалик каби сифатлар эса камтарлик, хушмуомалалик ва одамгарчилик деб ижобий баҳоланди. Биз истиқлолга эришганимиздан кейин бундай қарашларга барҳам берилди бошланди. Шу маънода ҳозир бизнинг миллатимизда ментал жараёнлар эволюцияси жараёни кечмоқда. Бундай шароитда эса маънавий-руҳий рағбат ниҳоятда зарурдир.

Инсон ва миллат менталитети ўзгариб боради. Бунга фанда ҳам, динда ҳам далиллар бор. Маърифатпарвар боболаримизнинг миллат зийнати ҳақидаги танқидий фикрларини эслаш кифоя. А. Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида бизнинг мустамлака ҳолатига тушиб қолишимизга

Ўзимизнинг феълимиз сабаб, деган ҳасратли фикрлари бор. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати билан биз энди шижоатли, ижодкор миллатга айланаётганимизни кўриш, сезишга қаратилган бир ишора эди.

Бугун биз жамиятимиз умуминтеллектуал салоҳиятини (тарих, фалсафа, иқтисодиёт, музика, сиёсат, адабиёт, менежмент ва бошқа соҳалар) оширишимиз зарур. Бугунги кунда ҳар бир француз, немис америкалик, япон билган умумий билимларни ҳар бир ўзбек ҳам билиши лозим.

Демак, маърифат, интеллектуал тарғибот халқни мактаб, институт университетдан кейин ҳам узлуксиз ўқитиш, ўргатиш, тарбиялаш, замонавий билимлардан хабардор қилиб бориш зарур. Зеро, билимли жамиятгина кучли жамият бўла олади.

Айниқса, миллий давлатимиз тарихи, ҳозирги тараққиётимиз ва буюк келажагимиз ҳақидаги билим, тушунча ва тасаввурларнинг тўғри тушунтирилиши шу масалада умумий бирликни юзага келтиради. Бу фидокорликни бутун Ўзбекистонда бир хилда намоён бўлишига олиб келади.

Янги хулқ-атвор, одатлар ҳеч қачон бирданига, ўз-ўзидан урф бўлиб келмаган. Яъни улар дастлаб пухта асосланиб, кейин қатъиятлик билан жорий этилади.

Демак, бир томондан миллий ғоя мавжуд урф-одатларимизга сингдира борилиши керак, иккинчи томондан эса мутлақо янги, замонавий, миллий ғоя асосига қурилган урф-одатларни илмий асослаб илғор, замонавий, бунёдкор хулқ-атвор меъёрларини, муносабат шаклларини яратиш керак. Бу тажриба барча ривожланган мамлакатлар тарихида кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан равнақи ва юрт тинчлиги ғояларнинг ҳар бир миллатга мансуб бўлган фуқароларнинг ишонч ва эътиқоди бўлиши, Ватан туйғуси, Ўзбекистон учун қайғуриш ҳисси уларнинг ҳамжихатлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб қолиши зарур.

Юрт тинчлиги ғояси Ватан равнақи ғояси билан боғлиқ. Тинчлик, осойишталик мавжуд бўлган ёки миллатидан қатъи назар ҳар бир фуқародан тинчликни сақлаш учун, уни асраб-авайлаш, қадрига етишга ҳаракат қилиш

туйғуси миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлайди. Ватан қисматини ҳар бир миллат вакили ўзининг қисмати деб билиши, Ватанни севиши, уни келажак авлодлар учун озод ва обод, эркин ва фаровон тарзда қолдириш, миллий муносабатларда ўзаро аҳиллик туйғуларини мустаҳкамлаб боради. Ватан туйғуси уларни бирлаштириб, улуғ мақсадларни амалга оширишга йўналтириб, сафарбар этиб турувчи омилдир.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар давлат аҳамиятига молик масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар.

Мустақиллик даврида “Миллатлараро тотувлик”, “миллатлараро ҳамжиҳатлик” ғояларига миллатлараро муносабатлардаги асосий ғоялар сифатида алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бунинг самарасини бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда кўриб гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатимизда турли миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро тотувлик жамиятимиз барқарорлигининг муҳим шарти экани юксак қадрланмоқда. Миллатлараро тотувлик таъминлангани туфайли демократик ўзгаришларда, ислохотлар жараёнида ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро эркин иштирок этмоқда.

Шубҳасиз, турли миллатлар мавжуд бўлган шароитда, уларни қандай ғоялар мақсадлар бирлаштириб туриши муҳим ўрин тутди. Масалан, миллатлараро тотувлик ғоясини энг устувор мақсад деб ёндошишдан унинг асл мақсадини билиб олиш мумкин. Миллатлараро тотувлик, аҳиллик, ҳамжиҳатликдан ҳамма манфаатдор, чунки улар барча миллатлар вакилларининг манфаатларига тўғри келади. Шунинг учун, миллатлараро тотувлик ғояси бир мамлакатда яшаб, умумий мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб бўлган кишилар ўртасидаги ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Аммо ана шу ғоянинг мақсад ва муддоасини ҳамма ҳам бир хилда тушунаяпти деб бўлмайди. Демак, жойларда миллий истиқлол ғоясини ўрганишга, ўргатишга алоҳида эътибор бериш эҳтиёжи доимо мавжуд бўлади. Чунки, бирон бир туман, шаҳар ва вилоят йўқки, фақат бир миллатли бўлсин. Ҳаётимиз кўп миллатлилик омили билан ҳамнафас экан, турли миллат вакиллари биргаликда меҳнат қилаётган эканлар, бу масала доимо эътиборда бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг танлаган тараққиёт йўли, демократик, фуқаролик жамияти қуриш мақсадларини, ҳар бир фуқаро олдида турган умумий мақсад дейиш мумкин. Эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан қуриш ғояси миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси сифатида, унда ҳар бир фуқаронинг эркинлиги, мақсади, ҳуқуқ ва манфаатлари мужассамлашган. Бундан ташқари, миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари бўлган “Ватан равнақи”, “Юрт тинчлиги”, “Халқ фаровонлиги”, “Комил инсон”, “Ижтимоий ҳамкорлик”, “Диний бағрикенглик” ғояларининг мақсади ҳам тушунарли. Шундай ғоялар асосида ўзаро ҳамжиҳат бўлган, биргаликда меҳнат қилаётган, таълим-тарбия олаётган ҳар бир кишидан ёмон мақсадларни, ғаразли ниятларни кутиб бўлмайди. Биз қайси миллатга мансуб бўлмайлик, ягона Ватанда яшаймиз. Миллий истиқлол ғояси ана шунга даъват этади ва ўргатади. У қанча мустаҳкам бўлса, мамлакат шунча кучли бўлади.

Биз бугун очиқ фуқаролик жамиятда яшаймиз. Қолаверса инсонлар ҳам жамиятлар ҳам ғоялар ҳам мафкуралар ҳам хилма-хил. Миллатлараро тотувликни афзал кўриб яшаб, тинчлик ва барқарорликка шукроналар айтиш керак. Лекин, бошқа ғоялар кириб келмаяпти, деб бўлмайди. Буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, миллатларни бир-бирига гиж-гижлаш орқали улар ўртасида низо, нифоқ уруғини сочиш, миллий камситиш кўринишлари, бир миллатни бошқа миллатдан устун қўйишга уриниш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлар миллий истиқлол ғояси билан мутлақо тўғри келмайди. Айни пайтда, ҳар бир халқ (этнос)га мансуб бўлган фуқаро ундан огоҳ бўлиши, унга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаши, бундай носоғлом ғояларни таъсиридан холи бўлиши зарур.

Мустақилликнинг афзаллигини, миллатлараро ҳамжиҳатликни маъно моҳиятини ҳамма ҳам тушуниб олди, деб айта олмаймиз. Бугун мустақилликни асраб-авайлаш, уни мустаҳкамлаш мамлакат олдида турган устувор мақсадлар сифатида қўйилган бир шароитда, унинг сабабини атрофлича тушунтириш, тарғибот зарурияти бор. Бу борада таҳлилларимиз

асосида бази бир қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик.

Улар қуйидагилар:

1. Миллий маданий марказлар миллатлараро тотувлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб, унинг аҳамияти тобора ошиб боради. Миллатлараро тотувликда миллий манфаат билан умуминсоний қадрият уйғунлиги ўзининг аксини топади;

2. Миллатлараро тотувлик ахилликнинг маъно-моҳиятини турли миллатлар ҳаёти, миллий-маънавий қадриятлари билан ҳамоҳанг эканини кенгроқ тушунтириш, кенг жамоатчилик онгига сингдиришга эришиш, ишонч ва эътиқодга айланиб боришини таъминлаш зарурати бор. Бу соҳада Республика байналмилал маданият марказининг фаолиятини янада такомиллаштиришда барча маданий марказларга амалий ёрдам зарур.

3. Миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, турли миллатга мансуб бўлган ёш авлодни миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш ва мустаҳкамлашга, тинчликни барқарор бўлишига хизмат қилади.

4. Ўзбекистонда яшовчи турли миллатлар вакилларининг маданий-маънавий эҳтиёжларининг қондирилишига кўмаклашиш мақсадида миллий-маданий марказлар фаолиятини янада ривожлантириш зарур. Бу уларнинг бир-бирларини яқиндан билишларига ёрдам беради.

5. Турли миллатларнинг ўзига хос урф-одат ва анъаналари мавжуд.

Улар шаклан хилма-хил бўлсада, маъно моҳиятида миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик ғоялари мужассамлашган. Бундай анъаналарни тарғиб этиш миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ И. КАРИМОВ АСАРЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т .: “Ўзбекистон”, 2003. -40 б.
2. Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. - 364 б.
3. Ислон Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2.-Т.: “Ўзбекистон” 1996. - 380 б.
4. Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т,3-Т.: “Ўзбекистон”, 1996-366 б.
5. Ислон Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т .: “Ўзбекистон”, 1996.- 349 б.
6. Ислон Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т. 5. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.-384 б.
7. Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т. 6. –Т .: “Ўзбекистон”, 1998.-429 б.
8. Ислон Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т,7.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999.-410 б.
9. Ислон Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмыз. Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”, 2001.-432 б.
10. Ислон Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002.-432 б.
11. Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.:“Маънавият” 2008. - 176 б.
12. Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Ўзбекистон” , 2010, - 56 б.

II. МОНОГРАФИЯ, РИСОЛАЛАР

13. Очилдиев Абдувоҳид. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар.-Т.: «Ўзбекистон» -2004. -133 б.
14. Абдулатипов Р.Г. Человек. Нация, Общество. -М.: Политиздат, 1991.-224 с.
15. Азизхўжаев А.А. Демократия-халқ ҳокимияти демакдир.-Т.: «Шарқ», 1996.-23 б.
16. Арипов М.К. Социальная утопия как течение общественно-философской мысли в Средней Азии. - Т.: «Фан»,1989.
17. Атамирзаев О. Генштке В.,Муртазаева. Р. Ўзбекистан многонациональный историко-демографический аспект.-Т.: «Ибн Сино», 1998.-159. с.
18. Атамуродов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. -Т.: «Ўзбекистон»,1991.-124 с.
19. Ахмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер: Туркистон халқлариниг миллий мустақиллиги учун кураши тарихидан: Хотиралар-Бошқирд тилидан Ш.Турдиев тарж.-Т.: “Адолат”,1997. - 280 б.
20. Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини “ амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). – Т .: “Шарқ”,1998.-184 бет.
21. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Миллий истиклол мафкураси ва тараққиёт.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.-212 б.
22. Гельдиева А.Ч. Национальная культура и личность. -Т.: “Ўзбекистан”, 1993.-103 с.
23. Дадахонова К.Х.Рахимов С. Проблемы интернационализации и межнациональная справедливость. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
24. Джунусов М.С. Национализм в различных измерениях. -Алма-ата, Казахстан, 1990.-200 с.
25. Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: Демократлаштириш йўлида. – Т .: “Шарқ”, 1998. -144 б.

26. Иброҳимов. А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
27. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари.-Т.: “Шарқ”, 1996.-144 б.
28. Ислом: бағрикенглик ва мутассиблик.-Т.: “Университет”, 1998.-128 б.
29. Каримов Б., Мираъзамов К. Миллат равнақи ва тил муаммолари. -Т.: “Фан”, 1993.-127 б.
30. Каримов Р.К., Каримов А.Т. Миллий модел муаммолари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993. -64 б.
31. Миллатлараро ҳамжиҳатлик-барқарорлик омили. – Т.: 1999.-266 б.
32. Миллий ғоя-бизнинг ғоя. – Т.: 2001.-139 б.
33. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: 2000.-80 б.
34. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Т.: “Шарқ”, 2006.-528 б.
35. Мустақиллик-бу ҳуқуқ. (Маъсул муҳаррир ва сўз боши муаллифи: А.Саидов)-Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 224 б.
36. Нишанов М.Н. Обновление духовной жизни наций. -Т.: Фан, 1991.-106 с.
37. Национальные отношения. Словарь (Под обхей редакцией А.Л. Калашникова).-М.: Владос, 1997.-208 с.
38. Тоффлер Э. Третья волна. -М.: Аст, 1999.-784 с.
39. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993-224-бет.
40. Шермухамедов С. На языке единства. -Т.: “Ўзбекистон”, 1991. -187 с.
41. Юсупов Э., Туленов Ж., Ғофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар.-Т.: “Фан”, 1990.-142 б.
42. Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. -Т.: “ЎАЖБНТ” Маркази, 2001. -72 б.
43. Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. -Т.: “Университет”, 1996. -168 б.
44. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.З. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: “Шарқ”, 2000. -560 б.

45. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, маданиятлар ва мафкуралар. -Т.: “Шарқ”, 1997.-160 б.
46. Рахматиллаев Х. Фарғона водийси этнодинамикаси. - Т.: “Фан”, 2013.

Даврий матбуот ва нашрлар

1. Халқ сўзи газетаси.1994 йил 22 июн сони.
2. Халқ сўзи газетаси.2000 йил 29 апрел сони
3. Халқ сўзи газетаси.2010 йил 20 май сони
4. Ўзбекистонда ижтимоий фан. 1997 йил №12 сони

Интернет малумотлари

1. www.icc.uz
2. [www. Gov.uz](http://www.Gov.uz)
3. www.ziyo.net
4. [www. Kun.uz](http://www.Kun.uz)
5. [www. Xabar.org](http://www.Xabar.org)



Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган аҳолининг миллий таркиби
(2003 йил 1 январ ҳолатида)


№	Миллатлар	Миқдори
1	Ўзбеклар	20,133,000
2	Тожиқлар	1,237,400
3	Руслар	1,053,500
4	Қозоқлар	977,800
5	Қорақолпоқлар	549,200
6	Татарлар	275,400
7	Қирғизлар	227,400
8	Корейслар	166,100
9	Туркманлар	152,300
10	Украинлар	97,200
11	Арманлар	42,000
12	Озорбайжон	41,000
13	Белоруслар	22,200
14	Яхудийлар	11,300
15	Немислар	6,300
16	Молдаванлар	5,100
17	Грузинлар	8,800
18	Литвалар	1,200
19	Эстонлар	0,600
20	Латишлар	0,200
21	Бошқалар	424,900
ЖАМИ		25,427,900

Ўзбекистон аҳолисинннг миллий таркиби (фоизда)

Миллатлар	1989 й.			2005 й.		
	жами аҳоли	қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси	жами аҳоли	қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси
ўзбеклар	71,4	83,5	53,7	80,0	86,4	68,8
қорақалпоқлар	2,1	1,6	2,7	2,2	1,5	3,4
тожиклар	4,7	5,4	3,7	4,9	5,1	4,6
руслар	8,3	0,7	19,5	3,8	0,3	9,8
қозоқлар	4,1	4,1	4,0	3,6	3,4	4,0
татарлар	3,4	0,8	7,0	1,0	0,1	2,5
қирғизлар	0,9	1,3	0,3	0,9	1,2	0,3
корейслар	0,9	0,3	1,8	0,6	0,2	1,4
украинлар	0,8	0,1	1,7	0,3	0,1	0,8
бошқа миллатлар	3,4	2,2	5,3	2,7	1,6	4,3

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ (МЛН.ҲИСОБИДА)

Йиллар	Барча аҳоли	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси
1900	4.016	0.816	3.200
1940	6.551	1.606	4.945
1960	8.395	2.840	5.555
1980	15.787	6.452	9.305
1990	20.322	8.344	12.364
2000	24.488	9.166	15.322
2009	27.785	10.578	17.207





**Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг
рўйхатга олиниши ҳақида маълумотнома
(01.01.2011 йил)**

№	Диний конфессиялар номи	Жами
1.	Ислом	2050
2.	Рус Православ черкови	38
3.	Рим-католик черкови	5
4.	Евангел христиан-баптистлар черкови	23
5.	Тўлиқ инжил христианлар черкови	21
6.	Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови	9
7.	Евангел-лютеранлар черкови	3
8.	Новоапостол черкови	4
9.	Иегов гувоҳлари черкови	1
10.	Арман Апостоллик черкови	2
11.	Голос Божий христиан черкови	1
12.	Корейс протестант черковлари	52
13.	Яҳудий диний жамоалари	8
14.	Баҳой диний жамоалари	6
15.	Кришнани англаш жамияти	1
16.	Будда ибодатхонаси	1
17.	Библия китоб жамияти ташкилоти	1
	Ўзбекистон бўйича жами	2226